БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-йил чиқиши
№ 82 (1086)
22 АПРЕЛЬ
СЕШАНБА
1958 йил

БАҲОСИ 20 тийин

Бугун Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунга 88 йил тўлади.

Ленин йўлидан, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизмнинг янги ғалабалари сари, олға!

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1958 йил 26 февралдаги қарорига мувофиқ ҳамда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида». 1958 йил 31 мартдаги Конунини бажариш мақсадида, КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети қарор қиллилар:

Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, район партия комитетлари, республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка, область ва район ижроия комитетлари:

а) районлар ва колхозларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, машина-трактор станцияларининг ремонт-техника станциялари (РТС)га айлантириб, қайта ташкил этиш тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

б) колхозларнинг истакларини ва қишлоқ хўжалигидаги мавжуд техниканинг ҳаммасидан энг самарали фойдаланиш зарурлигини ҳисобга олиб, қандай машиналарни колхозларга сотиш кераклигини ва қандай машиналарни ремонт-техника станцияларида қолдириш кераклигини белгилаб чиқсинлар;

в) машина-трактор станцияларига тегишли тракторларни, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларини колхозларга сотишни ташкил этсинлар. Районлар ва колхозларнинг экономикасини чуқур ўрганиш асосида бу йил қайси колхозлар тракторлар ва бошқа машиналарни сотиб олиб, улардан унумли фойдаланишга қодир эканлиги, техникани сотиб олмоқ учун қайси колхозларга кўпроқ муддат талаб қилинишини ва ишлаб чиқаришда техника хизмати кўрсатишнинг мавжуд тартибини қайси колхозлар учун вақтинча сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ эканлиги белгилаб чиқилсин.

Белгиланиб қўйилсинки, 1958 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг эҳтиёжлари учун зарур бўлган янги тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, механизмлар ва ускуналар колхозларга нақд пул ҳисобига ёки шу мақсад билан бериладиган кредит ҳисобига бемалол сотилиши мумкин. Машина-трактор станцияларидаги тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари колхозларнинг талабларига қараб уларга ихтиёрий равишда сотилиши лозим. Бу сотилган тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари техника жиҳатдан тузук бўлиши, ишлатиш учун яроқли бўлиши мутлақо шартдир. Ҳар бир колхозга хизмат кўрсатаётган трактор бригадаларига бириктириб қўйилган машиналар қоида тариқасида шу колхознинг ўзига сотилиши лозим.

Машина-трактор станцияларидан колхозларга сотилаётган тракторларга, қишлоқ хўжалик машиналарига ва қуролларига энг тўғри баҳо қўйиш ва бу ишда хатоларга йўл қўймаслик мақсадида иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область ва район партия комитетларига, республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка, область, район ижроия комитетларига ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига:

а) районларда район ижроия комитети раиси (комиссия раиси), область ижроия комитети (ўлка ижроия комитети, автоном республика Министрлар Совети, областларга бўлинмаган иттифоқчи республика Министрлар Совети) вакили, область, ўлка ёки республика қишлоқ хўжалик ва молия органларининг вакиллари, Давлат банки ёки Қишлоқ хўжалик банки вакили, МТС директори ва тегишли колхоз раисидан иборат комиссия тузиш вазифаси топширилсин.

Шу комиссияга техниканинг қанча ишлаганлиги ва техник жиҳатдан қандай ҳолатда эканлигига баҳо бериш, тегишли нархни белгилаш, шунингдек колхозларнинг ўзлари сотиб олаётган техника ҳақини қайси муддатларда тўлашини белгилаб бериш топширилсин.

Мазкур комиссияларнинг ишига машиналарнинг қанча ишлаганлиги ва техник жиҳатдан қандай ҳолатда эканлигини аниқлаб берадиган малакали мутахассислар жалб қилинсин;

б) колхозларга сотилаётган тракторларга, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларига тўғри баҳо қўйиш ва бу ишда хатоларга йўл қўймаслик мақсадида иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область ва район партия комитетларига, республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка, область, район ижроия комитетларига ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига:

а) районларда район ижроия комитети раиси (комиссия раиси), область ижроия комитети (ўлка ижроия комитети, автоном республика Министрлар Совети, областларга бўлинмаган иттифоқчи республика Министрлар Совети) вакили, область, ўлка ёки республика қишлоқ хўжалик ва молия органларининг вакиллари, Давлат банки ёки Қишлоқ хўжалик банки вакили, МТС директори ва тегишли колхоз раисидан иборат комиссия тузиш вазифаси топширилсин.

Шу комиссияга техниканинг қанча ишлаганлиги ва техник жиҳатдан қандай ҳолатда эканлигига баҳо бериш, тегишли нархни белгилаш, шунингдек колхозларнинг ўзлари сотиб олаётган техника ҳақини қайси муддатларда тўлашини белгилаб бериш топширилсин.

Мазкур комиссияларнинг ишига машиналарнинг қанча ишлаганлиги ва техник жиҳатдан қандай ҳолатда эканлигини аниқлаб берадиган малакали мутахассислар жалб қилинсин;

б) колхозларга сотилаётган тракторларга, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларига тўғри баҳо қўйиш ва бу ишда хатоларга йўл қўймаслик мақсадида иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область ва район партия комитетларига, республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка, область, район ижроия комитетларига ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига:

Ишлатилиб келган ва эндиликда колхозларга сотилаётган тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларининг нархи уларнинг қанча вақтдан бери ишлатилиб келинганлигини, қанчалик ейилганлигини ва умумий техник ҳолатини ҳисобга олиб, қуйидаги тартибда белгиланадиган бўлсин:

а) саноат ишлаб чиқараётган тракторларга, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларига (МТСга қачон келганлигидан қатъий назар), мавжуд прейскурант нархлари билан баҳо қўйилиб, бу баҳога таъминот ва савдо ташкилотларининг қўйган устамаси, шунингдек машиналарни ташиб келиш ва йиғиш харажатлари илова қилинади;

б) ишлаб чиқаришдан олиб қўйилган, шу сабабли мавжуд прейскурант улгуржи нархлар рўйхатида баҳоси кўрсатилмаган тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларига уларнинг конструкциясидаги ва ишлашидаги сифатлари ҳисобга олинган ҳолда шу хилдаги машиналарнинг мавжуд нархларига қараб баҳо қўйилади;

в) айрим заказларга мувофиқ, оз миқдорда ишлаб чиқарилган ва мавжуд прейскурант нархлари рўйхатида баҳоси кўрсатилмаган қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларининг нархларини республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетлари ўзлари белгилайдилар.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва СССР Молия министрлигига МТСлардан колхозларга сотиладиган тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларига баҳо қўйиш тўғрисида бир ҳафта муддат ичида инструкция ишлаб чиқиб тасдиқлаш, бу инструкцияда машиналарга нархлар қўйиш тартибини белгилаб бериш топширилсин, машиналарга белгиланадиган нархлар шу машиналарнинг ҳақиқий техник ҳолатига мувофиқ келадиган бўлсин ва сотилаётган техниканинг қимматини белгиланда давлатга зарар етказилмайдиган бўлсин.

Белгилаб қўйилсинки, колхозлар МТСлардан тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларини нақд пул тўлаб, ёки уларнинг ҳақини кейин бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб оладилар.

Тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларини сотиб олаётган колхозлар уларнинг пулини сотиб олиш вақтида батамом тўлашга қодир бўлмасалар, бундай колхозларга шу техниканинг ҳақини батамом тўлаб битириш учун район ижроия комитетларининг қарори билан 2-3 йилгача ва область, ўлка ижроия комитетларининг, автоном республикалар Министрлар Советларининг ва областларга бўлинмаган иттифоқчи республикалар Министрлар Советларининг қарори билан 5 йилгача муҳлат берилади.

Колхозларга техника ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш учун муҳлат берилган тақдирда, улар Қишлоқ хўжалик банки муассасаларига ўзлари сотиб олган машиналарнинг ҳақини қайси муддатларда ва қандай суммада тўлашларини кўрсатиб, тилхат берадилар. Шу тўловлар ўз муддатида тўланганида процент олинмайди. Колхоз бу қарзни ўз вақтида узмаган тақдирда, тўлаш муддатини ўтказиб юборганлиги учун тўланмай қолган сумма устидан Қишлоқ хўжалик банкининг муддати ўтиб кетган ссудаларни учун белгиланган миқдорда процент тўлашга мажбурдир.

Белгиланиб қўйилсинки, колхозларга сотилган тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари учун колхозлардан тушаётган маблағлар Иттифоқ бюджетининг алоҳида счётига ўтказилади.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги:

а) МТСлар ва РТСлардаги колхозларга сотилмай қолган тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини техника жиҳатдан тузук ҳолатга келтириш ҳамда улардан тегишли равишда фойдаланишни ва уларнинг сақланишини таъминлаш чораларини кўрсинлар;

б) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг шароитларига кўра, республика доирасида фойдаланиши мумкин бўлмаган тракторларнинг, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларининг миқдорини (маркаларига қараб), ҳисобга олдириб қўйсинлар ва шу миқдор аниқланиши билан, лекин 1958 йил 1 октябрдан кечиктирмай, шу техникани қайта тақсимлаш ва ундан фойдаланиш тўғрисида СССР Госпланига таклиф киритсинлар.

Ремонт-техника станциялари тўғрисида

Тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларини колхозларга сотилаётганлиги ҳамда колхозларга ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатиш тартиби ўзгарганлиги сабабли, ремонт-техника станцияларига қуйидаги асосий вазифаларни бажариш юклатилсин:

а) колхозлар ихтиёридаги, шунингдек мастерскойлари бўлмаган совхозлар ихтиёридаги ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари ихтиёридаги тракторлар, комбайнлар, автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларини ремонт қилиш;

б) машина-трактор паркидан фойдаланишда ва техника хизмати кўрсатишда колхозларга ёрдам бериш;

в) колхозларда ва совхозларда мелиорация, ирригация, ер текислаш ва йўл ишлари, боғлар ва токзорларда машиналар ёрдами билан қилинадиган ишларни бажариш, торф, оҳакни машиналар ёрдами билан қазиб чиқариш ва бошқа ишларни бажариш, қудуқлар қазиб бериш;

г) қилинадиган ишларнинг ҳажми кам бўлганлиги сабабли, сотиб олишнинг ҳожати бўлмаган машиналарни колхозлар ва совхозларнинг илтимослари билан уларга ижарага бериб туриш. Колхозлар ва совхозлар шу машиналарда ишламоқ учун зарур ишчи кучини ўзлари берадилар;

д) чорвачиликда ва хўжаликнинг бошқа тармоқларида меҳнатни кўп талаб киладиган юмушларни механизациялаштириш ва электрлаштириш ишларини бажаришда колхозларга ва совхозларга ёрдам кўрсатиш;

е) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва бошқа юкларни ташиб беришда колхозларга ва совхозларга ёрдам кўрсатиш;

ж) колхозларга ва совхозларга янги техника, запас қисмлар, нефть маҳсулотлари, ўғитлар, заҳарли химикатлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига керакли бошқа молларни сотиш йўли билан колхозлар ва совхозларнинг модий-техника таъминотини ташкил этиш;

з) машина-трактор паркидан фойдаланиш ва уни сақлаш соҳасида янги техникани, фан муваффақиятларини ва илғор иш тажрибаларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилишда, шунингдек механизатор кадрларнинг малакасини оширишда колхозларга ёрдам кўрсатиш;

и) колхозлар, совхозлардаги ва районнинг бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридаги машина-трактор паркининг ҳолати устидан давлат техника назоратини амалга ошириш;

к) қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш ишларини олиб бориш.

Белгиланиб қўйилсинки, шу қарорда кўзда тутилган вазифаларни бажармоқ учун ремонт-техника станциялари составида қуйидагилар бўлиши лозим: қишлоқ хўжалик техникасини илғор технология асосида бутун йил бўйи ремонт қилиб бериб турадиган ва ремонт ишларининг яхши сифатли қилиб ҳамда ремонт ишлари таннархини арзон қилиб бажаришга имкон берадиган яхши жиҳозланган мастерскойлар; нефть базалари, қишлоқ хўжалик машиналари запас қисмлар ва турли материаллар учун складлар; автотранспорт, мелиорация, йўл, қурилиш-монтаж ва бошқа хил техника билан, шунингдек қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига ва касалликларига қарши курашмоқ учун керакли машиналар ва аппаратлар билан таъминланган отряллар ёки бригадалар. Бундан ташқари, РТСлар колхозлар ва совхозларга ижарага бериладиган қишлоқ хўжалик машиналарига эга бўлишлари мумкин.

Ремонт ишларини ошириб бажаришда колхозларга техника ёрдами кўрсатмоқ учун РТСларда кўчма авторемонт устахоналари бўлиши керак.

Районларда нечта ремонт-техника станцияси бўлишини область ижроия комитетлари ҳамда область партия комитетлари, ўлка ижроия комитетлари ҳамда ўлка партия комитетлари, областларга бўлинмаган республикаларнинг Министрлар Советлари ва иттифоқчи республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари белгилайдилар ва тасдиқлайдилар. РТСлар колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларининг ишлари шартнома асосида бажариб берадилар.

Ремонт-техника станциялари хўжалик ҳисоби асосида ишлайдилар.

Республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига:

а) колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари жойлашган территориянинг катта-кичиклигига ҳамда ремонт ишларининг ҳажмига қараб, РТСнинг қаерда туришини белгилаб бериш ва зарур бўлиб қолган тақдирда, қайта ташкил қилинаётган МТС негизида ремонт-техника станцияларининг бўлимларини ташкил қилиш;

б) МТСлар қайта ташкил қилинганидан кейин, бўшаб қолган ҳамда ремонт-техника станцияларига ва уларнинг бўлимларига кераксиз бўлган бинолар ҳамда ускуналарни совхозларга топшириш ёки колхозларга сотиш вазифаси топширилсин.

Шу мулкларнинг баҳоси район комиссиялари томонидан балансдаги қимматига ва ҳақиқий ҳолатига қараб белгиланади.

Ҳозирги вақтда тракторлар ва бошқа машиналар сотиб олиш имкониятига эга бўлмаган ҳамда шу техникадан самарали фойдалана олмайлиган колхозларга МТСлар орқали ёки худди шундай шартлар билан РТСлар орқали ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатиш тартибини вақтинча сақлаб туриш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

РТСларда, совхозлар ва колхозларда мавжуд ҳамма машиналар паркининг 15 процанти миқдорида РТСда айирбошлаш фонди вужудга келтирмоқ учун зарур миқдорда двигателлар, агрегатлар ҳамда трактор узеллари, автомобиллар ва мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқаришни ва қишлоқ хўжалигига етказиб беришни халқ хўжалик планларининг проектларида кўзда тутиш СССР Госплани ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига топширилсин.

Колхозларга тракторларни техника қаровидан ўтказиб туриш ва мураккаб бўлмаган қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиб туриш учун энг оддий устахоналар қуриб олиш тавсия этилсин.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ремонт-техника станцияси ҳамда машина-трактор паркининг ҳолати устидан давлат техника назорати тўғрисидаги Низом проектини икки ой муддат ичида иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари билан келишиб ишлаб чиқиш ва уни тасдиқламоқ учун СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига ремонт-техника станцияларининг машиналарни ремонт қилиш учун қабул қилиб олиши ва ремонт қилиб топшириши тартиби ва шартларини, машиналар ремонти учун колхозларнинг РТСлар билан ҳисоб-китоб қилиш тартибини, РТС техникасидан фойдаланиш тартибини, РТСлар бажарадиган махсус ишлар учун ҳисоб-китоб қилиш шартларини, шунингдек колхозларга ва бошқа хўжаликларга машиналарни ижарага бериш тартибини икки ой муддат ичида ишлаб чиқиш ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Молия министрлиги ва СССР Давлат банки билан келишиб тасдиқлаш вазифаси топширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига ва касалликларига қарши кураш отрядлари ходимларининг ҳамда машина-трактор паркининг техник ҳолати устидан давлат назорати ходимларининг меҳнат ҳақи давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига ремонт-техника станцияларининг штатларини бир ой муддат ичида тайёрлаш ҳамда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Молия министрлиги билан келишиб олиб, тасдиқлаш топширилсин.

Ремонт-техника станциялари ходимларининг вазифа окладлари машина-трактор станцияларининг шу вазифалардаги ходимлари учун кўзда тутилган окладлар даражасида белгилансин.

Янги техникани пропаганда қилишни ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилишни ташкил этиш мақсадида иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва Халқ хўжалик кенгашларига янги машиналарнинг виставкаларини шу машиналар ишлатиладиган зоналарда ташкил қилиш ва кенг кўпчиликка кўрсатишни уюштириш топширилсин. Давлат синовларидан ўтган ва иқтисодий ҳамда конструкциясининг афзалликлари аниқланиб ишлаб чиқариш учун қабул қилинган машиналар ремонт-техника станцияларига (колхозларга ишлатиб кўрсатиш учун), илғор совхозларга, область ва ўлка қишлоқ хўжалик тажриба станцияларига, илмий-текшириш институтларига, олий ўқув юртларига ва техникумларга берилсин.

(ОХИРИ ТУРТИНЧИ БЕТДА)

Владимир Ильич ЛЕНИН

Ленинизм ғоялари коммунизм йўлини ёритмоқда

22 апрель — Владимир Ильич Ленин туғилган кундир. Бу кун ҳар бир совет киши учун, жаҳон пролетариати учун энг азиз ва қадрли кундир. Чунки бу кунда инсоният ақл-идрокининг буюк заковати, революцион курашлар бўрони тарих майдонига В. И. Лениндек улуғ сиймони вужудга келтирди. Халқ ичидан етишиб чиққан, меҳнаткашлар оммасининг орзу-умидлари ва истакларини ўзида мужассамлантирган Ленин ишчилар синфининг улуғ иши — озодлик ва социализм учун кураш ишига бошчилик қилувчи Коммунистик партияга асос солди, уни тарбиялади чиниқтирди, ва ўзига етказди.

Марксизм-ленинизм революцион назарияси билан қуролланган коммунистик партия Ленин раҳбарлигида ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқидек зўр ва қудратли кучни бирлаштириб, 1917 йили Россияда помещик ва капиталистлар ҳокимиятини ағдариб ташлади, барча миллат меҳнаткашларини озодлик ва фаровонлик дунёси—социализмга олиб чиқди. Ленин барпо этган Совет давлати ўз тараққиётининг 40 йилдан ортиқ даври ичида, энг қаҳрамон, халқчил, меҳнаткашлар манфаатларини ўзида тўла акс эттирувчи тузум эканлигини амалда исботлади. Шунинг учун ҳам Ленининг номи ҳар бир меҳнаткаш учун меҳрибондир. Шу сабабли Ленининг улуғ сиймоси жаҳон пролетарларининг қалбидан мустаҳкам жой олган, ленинизм бўлса миллионларнинг кураш ва ғалаба байроғи бўлиб қолган.

Ленин марксизм назариясини ижодий ривожлантирган улуғ назариётчи бўлиш билан бирга, назарияни практика билан, амалий ҳаёт билан моҳирона боғлай олди. У, Октябрь революциясининг назария ва тактикасини ишлаб чиқди ва амалда татбиқ этди. Ленин қолоқ Россияни илғор, қудратли социалистик Россияга айлантириш, мамлакатимизни индустриялаш, қишлоқ хўжалигини коллективлаш назариясини, маданий революцияни амалга ошириш йўлларини кўрсатди ва асослади. Шунинг учун ҳам ленинизм назария билан практиканинг оқилона бир-бирига қўшилгани-мужассамланганидир.

Коммунистик партия Ленин кўрсатиб берган йўлдан бориб мамлакатни индустриал программасини муваффақиятли амалга ошириб, Саноатимиз ўзининг тараққиёти жиҳатидан энг илгор капиталистик мамлакатлардан аллақачонлароқ ўзиб кетди. Саноат ва қурилишни бошқаришнинг қайта ташкил этилганлиги социалистик индустриямизнинг бундан кейин яна ҳам тез юксалишини таъминламоқда. Қишлоқ хўжалигимиз тез суръатлар билан олға бормоқда. Партия ва Ҳукуматимизнинг МТСларни қайта ташкил этишга қаратилган тадбири колхоз тузумини янада ривожлантиришда жуда катта истиқболлар очиб беради.

Партиямиз XX съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг тарихий қарорлари мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини яна ҳам юксалтиришнинг жуда кенг программасини белгилаб берди. Биз ҳозир тараққиётнинг шундай юқори чўққисига чиқиб олдикки, бу чўққидан коммунизмнинг кенг горизонтлари кўринибо турибди. Ленинизм ана шу порлоқ йўл — коммунизмга ўзининг ҳаётбахш нурларини сочмоқда.

Ленин номи халқлар дўстлигининг буюк символидир. Чунки у Коммунистик партиянинг миллий масалаларга программа ва тактикасини ишлаб чиқди, асослади.

Ленин ССР Иттифоқининг тузувчиси, ташкилотчиси бўлиш билан бирга, СССР халқларининг қардошлик оиласига кирган ҳар бир миллат ва миллий группаларнинг экономикаси, маданиятини юксалтириш ҳақида, миллий республикаларда саноат ўчоқлари вужудга келтириш, миллий кадрлар етиштириш ва тарбиялаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилди. Ленининг Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳақидаги жуда кўп мақола, ҳат, телеграммалари ва нутқлари унинг катта-кичик миллатларга нақадар меҳрибонлигини кўрсатувчи далиллардир.

Коммунистик партия ленинча доно миллий сиёсатни оғишмай амалга ошириб, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни яна ҳам мустаҳкамламоқда, миллий совет республикалари эришган жуда катта муваффақиятларни Совет Ўзбекистони мисолида ҳам ёққол кўриш мумкин. Ўзбекистон ССР Совет ҳокимияти йилларида Совет Шарқининг қудратли республикаларидан бирига айланди. Совет Ўзбекистони ўзининг индустриясига, ҳозирги замоннинг энг сўнгги техникаси билан қуролланган қишлоқ хўжалигига эга. Фақат Тошкент областининг ўзидагина кейинги йиллар ичида Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод каби янги саноат ўчоқлари майдонга келди. Пойтахтимиз Тошкент — Шарқда энг йирик маъмурий ва маданий марказдир. Ўзбекистонда шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданият вужудга келди ва янада гуллаб-яшнамоқда.

Тинчлик, халқлар ўртасида яхши қўшничилиқ муносабатлари ўрнатиш, турли системалардаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсати — ленинизмнинг асосидир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ўзининг бутун фаолиятида тинч-тотув яшашнинг ленинча принципларига амал қилиб келди ва келмоқда. Совет ҳукуматининг қуролсизланиш, Германияни бирлаштириш, Ўрта ва яқин Шарқда тинчликни сақлаш ҳақидаги таклифлари ва ниҳоят атом ва водород бомбалари синовларини СССРда тўхтатиш ҳақидаги қарори бизнинг тинчлик сиёсатимиз аниқ ва равшан эканлигини, халқлар манфаатига тўла мос келадиган сиёсат эканлигини кўрсатади.

Абадий, ҳамиша тирик ва ҳаётчан таълимот бўлган ленинизм миллионларнинг кураш ва ғалаба байроғидир. Ленинизм Совет мамлакатида муваффақият билан амалга оширилаётган коммунизм қурилиши ишларида, ҳар бир совет оиласида, ҳар бир совет кишисининг онгида, ҳаётида, юриш-туришида, аҳлоқида, социализм қураётган Улуғ Хитой халқининг буюк ишларида, халқ демократияси мамлакатлари меҳнаткашларининг ишларида яшамоқда, тантана қилмоқда. Ленинизм капиталистик мамлакатлардаги, мустамлака ва қарам мамлакатлардаги миллион-миллион меҳнаткашларнинг ақл-идрокида ишида, курашида яшамоқда, уларнинг кураш йўлини машъалдек ёритиб турибди, улар қалбида ғалабага ишонч туғдирмоқда.

Қудратли социализм лагери меҳнаткашлари, бутун дунё пролетарлари Ленин туғилган кунда улуғ йўлбошчига бўлган ўзларининг меҳр-муҳаббат ва миннатдорчиликларини яна бир марта изҳор қиладилар.

Ленинизмнинг ғолиб байроғи остида, коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

Ленинизм — миллионларнинг

Рассом Л. А. Шматьконинг «В. И. Ленин ГОЭЛРО плани тўғрисида сўзламоқда» номли сурати.

ДОҲИЙНИНГ ВАСИЯТИ

Т. ИБРОҲИМОВА,
<>

1922 йил ёзида менинг ҳаётимда жуда катта қувончли воқеа бўлди. Мен Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси делегацияси составида тайёрланаётган биринчи Бутун иттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасини кўриш учун Москвага жўнаб кетдим.

Москвага келганимизнинг иккинчи ёки учинчи куни эди, эрта билан бизлар турган уйнинг олдига бир машина келиб тўхтади. Машина ичидан бир киши чиқиб, тўғри менга қараб келди ва, ўзбек хотин-қизларидан Иброҳимованы қаердан топса бўлади? — деб сўради. Бизнинг делегация аъзоларидан бири:

— Мана шу киши бўладилар, — деб мени кўрсатди.

Келган одам менга ҳайрон бўлиб қараб қолди. Унинг ҳайрон бўлиб қолганлиги ҳам бежиз эмас эди: менинг бошимда паранжи, юзимда чимматэди. Мен аранг товушимни чиқариб:

— Ҳа, Иброҳимова мен бўламан, — деб жавоб бердим.

Бояги одам менга яқин келиб, Владимир Ильич Ленин сиз билан гаплашмоқчи, ҳозир мен билан Кремлга, Владимир Ильич ҳузурига бора олмайсизми, деди.

— Ленин? — деб қайтадан сўрар эканман, ҳовриқиб кетдим.

Қўлларим қалтираб, кўзларим жиққа ёшга тўлди. Ҳеч нарса деёлмай қолдим. Паранжимга ўраліб олиб машинага қараб тез юриб кетдим. Бизлар Москва кўчаларидан ўтиб бордик. Ниҳоят, Кремлга етдик. Зинапоялардан чиқиб борар эканман, наҳотки мен ҳозир узоқ Қўқондаги барча ишчилар ва деҳқонлар зўр меҳру-муҳаббат билан номини тилга олдиган кишини кўрсам, деб ўзимдан ўзим сўраб қўяр эдим. Мен шу қадар ҳовриқиб қолган эдимки, Ленининг кабинетига қандай қилиб кирганлигимни ҳам билмай қолибман. Ленин тез-тез юриб, менинг ёнимга келиб, қизғин салом алик қилди ва курсига таклиф қилди.

Ленинни кўрганда, ростини айтсам, мен жуда шошилиб қолдим.

— Иброҳимова бўласизми? — деб сўради Владимир Ильич.

— Ҳа, шундай, — деб жавоб бердим ҳаяжонланиб.

Ленин мен билан гаплаша кетди, мени олиб келган киши таржимонлик қилиб турди. Владимир Ильич мендан ўзим ҳақимда ва Туркистон хотин-қизларининг ҳаёти ҳақида гапириб беришни сўради. Мен бунга жавобан бошимдан ўтганларни гапириб бердим.

Владимир Ильич менинг сўзларимни зўр диққат билан тинглади. Ильич, хотин-қизлар Советларнинг ишида қандай иштирок қилаётирлар? Клубларга келиб турадиларми? Қизлар мактабларда ўқияптими? — деб сўради ва яна жуда кўп бошқа саволлар берди. Менинг берган жавобларим унга жуда маъқул бўлди. Мен унга ўзбек хотин-қизларининг давлат ва жамоат ишларида иштирок қилаётганликларини гапириб бергаимда, у жуда қувониб кетди, бизларнинг муваффақиятларимиздан жуда хурсанд бўлди.

Владимир Ильич мен билан узоқ суҳбатлашди. У жуда содда ва тушунарли қилиб гапирди: хотин-қизларни озод қилиш, уларни сиёсатга ва давлатни идора қилиш ишига тортиш — революциямизнинг, жаҳон-шумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган энг буюк вазифасидир, чунки хотин-қизларни озод қилмасдан туриб, социализм қуриш мумкин эмас, деди.

Владимир Ильич Совет Шарқи хотин-қизларининг озодликка томон, ижтимоий фаолият сари жуда кучли интилиши бизнинг революциямиз бошлаган иш енгилмас иш эканлигидан гувоҳлик беради, деб уқтириб ўтди.

Владимир Ильич бизларнинг хотин-қизларни озод қилиш соҳасидаги ишларимизнинг программасини белгилаб берди. Ленин айтдики, хотин-қизларни ишлаб чиқаришга тортиш жуда муҳим иш бўлсада, фақат бу билангина чекланиб қолиш ярамайди, шу билан бирга хотин-қизлар орасида мунтазам равишда сиёсий-оқартиш ишларини ҳам олиб бориш керак. Маҳсус хотин-қиз клублари, хотин-қиз уйлари ташкил қилмоқ, уларни сиёсий-оқартишнинг марказига айлантирмоқ керак. Хотин-қизларни курсларга, мактабларга ва ҳоказоларга кўплаб тортмоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқ керак. Қизларни ўқитиш Совет ҳокимиятининг энг асосий вазифасидир... «Ишга дадил бел боғлаб киришаберинглар, — деди Владимир Ильич, — қийинчиликлардан қўрқманглар. Янги ҳаётни ҳаммамиз биргаликда ўз қўл кучимиз билан қуришимиз керак...» Ленининг барча совет хотин-қизларига, шу жумладан Шарқ хотин-қизларига қилган васияти ана шундан иборат эди.

Суҳбатимизнинг охирида Ильич Шарқ хотин-қизларига кўпдан-кўп салом ва табрик етказишни илтимос қилиб қолди.

Хотин-қизларни озод қилиш соҳасидаги ишнинг чиндан ҳам улуғ аҳамияти борлигини мен ўша дақиқаларда айниқса яққол тушундим.

Мен йўлбошчимиз В. И. Ленин билан учрашганим учун чексиз шод эдим.

Мен Қўқонга қайтиб келгач, шаҳар ва қишлоқлардан йиғилган хотин-қизларнинг мажлисида сўзга чиқиб, В. И. Ленин билан учрашганлигимни, у билан қилган суҳбатимни гапириб бердим ва уларга Ильичнинг салом ва табригини етказдим.

Советларнинг округ съезди мени Советларнинг XII Бутун Туркистон съездига делегат қилиб сайлади.

Тошкентда, съездда Шамсиқамар Ғоибжонова, Жаҳон Обидова ўртоқлар, бизларнинг ўзбек хотин-қизларини озод қилиш соҳасидаги актив ишларимиз учун, менга Туркистон Советлари Марказий Ижроия Комитетининг Қизил Байроғини топширдилар.

Мени 1924 йил январида Москвада чақирилиши керак бўлган СССР Советларининг II съездига делегат қилиб сайладилар.

Москвага жўнаб кетишимиз олдидан Тошкентда катта митинг бўлди, мен митингда (ҳали ҳам паранжи ёпиниб, лекин юзимдаги чимматни кўтарган ҳолда) чиқиб сўзладим.

Бир неча кундан кейин биз Москвага жўнаб кетдик. Ў ерда бизларни, Туркистондан борган делегатларни Советлар Уйига жойлаштирдилар. Менинг яна Владимир Ильич билан учрашгим, хотин-қизларни озод қилиш соҳасида қилинган ишлардан гапириб бергим ва унинг ҳам доно сўзларини эшитгим келар эди.

Съезднинг президиуми сайланганда, кимлир менинг ҳам фамилиямни айтди. Мен тортинибгина стол ёнига борар эканман, кўзларимни жовдиратиб Владимир Ильични қидирар эдим, лекин президиумда у йўқ эди. Михаил Иванович Калининнинг менинг кимни қидираётганлигимни фаҳмлаб, менга эргашган-да, қулоғимга секингина: «Ильичимиз бетоб. Жуда оғир бетоб бўлиб қолди», деди. Мен Михаил Иванович Калининнинг ёнига ўтиришим билан оқ, у менга мурожаат қилиб, делегатлардан Иброҳимова паранжисини олсин деган илтимосномa тушди, деди. Мен ўнгайсизланиб, биринчи секундларда нима қилишимни билмай қолдим. У вақтларда Туркистонда биз хотин-қизлар ҳали паранжи ёпиниб юрар эдик. Кўчаларда ва бегона эркаклар олдида очиқ юз билан юриш шармандалик ҳисобланар эди.

Ёнимда ўтирган Иосиф Виссарионович Сталин буни пайқаб қолиб: «Ўртоқ Иброҳимова, делегатлар илтимос қилгандан кейин паранжини олиш керак», деди. Мен ўрнимдан турдим ва лаънати пардани бошимдан олиб ташладим. Бу эса мажлисда ҳозир бўлганларга маъқул тушди ва қарсакбозлик бўлиб кетди.

Съезд ўз ишини бошлади.

Икки кун ўтгач бутун мамлакатда, Владимир Ильич Ленин вафот этди, деган қайғули хабар тарқалди.

Съезднинг бошқа делегатлари билан, Москва ишчилари ва яқин атрофлаги қишлоқларнинг деҳқонлари билан бирликда мен ҳам улуғ йўлбошчимиз билан, устозимиз ва дўстимиз билан сўнгги марта видоъ-лашиш учун Горькига жўнаб кетдим. У ерда мен Надежда Константиновна Крупская билан, В. И. Ленининг синглиси Мария Ильинична Ульянова билан учрашдим.

Шу кечаси мен бир неча марта В. И. Ленин тобути ёнида фахрий посбон бўлиб турдим. Мен кўз ёшларимни ҳеч тия олмас эдим. Ҳаммаларнинг кўзида ёш, бутун мамлакат йиғламоқда эди.

Ленин ўлди, лекин унинг номи, унинг иши ҳаётдир ва абадий ҳаёт қолажак. Унинг Совет Шарқининг хотин-қизларини озод қилиш тўғрисидаги васияти бажарилди. Бизларнинг муваффақиятимиз чексиз. Эски асоратдан ва чўриликдан асар ҳам қолмади. Ўзбек хотин-қизларидан минг-минглаб мутахассислар, ишлаб чиқариш командирлари, олимлар, артистлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, партия ва давлат ходимлари етишиб чиқди. Булардан кўпларининг номи фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунёга машҳурдир.

Мен бу муваффақиятларни кўриб, бошим кўкка етар эканман, ёш авлодимизга айтмоқчиманки: бу муваффақиятларни муттасил кўпайтириб бормоқ керак, чунки Ленининг асосий васиятларидан бири ана шу эди.

ЛЕНИН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Россиядан балқиб чиқди эрк қучоғлаб бир қуёш,
Шуъласида истиқболнинг ёрқинлиги чароғон,
Мангу тинди мазлум халқнинг кўзларидан оққан ёш,
Бу қуёшни улуғ Ленин деб атади ҳар инсон,

Бу ном ила элимизга тинчлик, омонлик келди,
Ильич ёққан чироғлари ёғду сочди йўлларга.
Озод Шарқимиз, дилимизга чексиз қувончлар тўлди,
Улуғ Ленин йўлланмаси ҳаёт берди чўлларга.

Фанимизга ленинизм асослари пойдевор,
Улуғ совет оиласи, ҳамма бир жон ва бир тан.
Коммунизм йўлларида партиямиз байроқдор,
Ленин номи билан яшнар, кундан-кунга ҳур Ватан.

Маъруф ҚОРИЕВ

ТИРИК УМР

О, сочимга бир қатим оқ ип —
Бўлиб тушган йиллар кўпиги!
Ёшликдаги наби энтикиб
Югураман, ҳаёт нўриги
Торлик қилиб, сиғмайман гўё.
Майдаланиб тушмайин жарга.
Орзуларим экан бир дунё,
Айланмайин совуқ мармарга.
Фан маҳзини чақиб ўлтириб,
Тирикликнинг топай чашмасин,
Ками билан минг ёшга кириб,
Мағрур қалбнинг босай
ташнасин.

Узоқ умр суриш — бой ҳаёл!
Набирамиз яшар узоқроқ.
Юз йиллигин кўрар бемалол.
Умр дорусин топишар; бироқ,
Абадийлик деган гап эмас,
Оқиб кетса умр хас каби.
Ҳеч ким у кўп яшайди демас,
Тиригида тепмаса қалби,
Тиригида қўймаса ҳайкал,
Тиригида оташ бўлмаса,
Тиригида ҳаётга сайқал —
Беролмаса, ва ёш бўлмаса.

Ўлмасликнинг сирин изладим.
Тарихларни титдим бирма-бир.
Ўлмасликнинг сирин изладим,
Юрт оралаб, ошдим қирма-қир,
Ўлмасликнинг сирин изладим,
Кечалари бақдим китобга.
Ўлмасликнинг сирин изладим,
Бақдим кунга, ва моҳитобга.
Элим менга файласуф бўлди:
Лениннинг бир умрин яшаган,
Ленин каби нурга бошлаган —
Инсон ўзи — ўлмаслик!
Ўлди
Леб, бўлурми улуғ инсонни!
Ўлмаслигин қурён, оятдан
Изламайман; излайман уни
Ўзи берган ёруғ ҳаётдан.
Ленин тирик! Ленин умрининг
Ҳар биримиз давомчисимиз,
Ленин тирик! Ленин умрининг
Ҳар қайсимиз бир томчисимиз.

Султон АКБАРИЙ.

Ленин мангу барҳаёт

Абадийлик нимадир,
Асл таққоси нима?
Қуёш кундуз кезару
Ботиб кетар, тунда йўқ,
Қоронғу ғўшаларни,
Миллион-миллион қалбларни
Тунлари ҳам қуёшдек
Не қилолди ёп-ёруғ.

Гар Ленин бўлмасайди
Олам зулматда қолиб,
Қора тунлар қаърига
Қуёш ҳам бўларди ғарқ.
Фақат Ленин туфайли
Қуёш ярқираб қолди,
Халқимиз қилаолди
Тундан кунни мангу фарқ.

Ленин берган кулки, бахт,
Шодлик ва ободликни
Деймиз — мангу барқарор,
Демак Ленин барҳаёт.
Ҳеч йўқолмас жаҳонда
СССР халқларига,
Узи бериб кетган бахт,
Узи қўйиб кетган от!

Коммунизм ғояси
Лениннинг ғоясидир,
Бу ғоя халқ қонига
Сингган она сут каби.
Халқлар жаҳонда ўлмас,
Халқлар умри билан тенг
Владимир Ильич Ленин
Яшар мангу абадий!

ШУКРУЛЛО.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари комитетида

Фан ва техника соҳасида энг яхши асарлар учун Ленин мукофотлари бериш тўғрисида

Фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари комитети қарор қилди:

I.

Фан соҳасидаги энг яхши асарлар учун қуйидагиларга 1958 йилги Ленин мукофотлари берилсин:

1. Илмий ишнинг раҳбари академик **Арцимович** Лев Андреевича, академик **Леонтович** Михаил Александровича, СССР Фанлар академияси атом энергияси институтининг ходимлари **Лукьянов** Степан Юрьевича, **Головин** Игорь Николаевича, **Осовец** Самуил Марковича, **Филиппов** Николай Васильевича, **Базилевская** Ольга Александровнага, **Брагинский** Сталий Иосифовича, **Подгорний** Игорь Максимовича, **Андрианов** Александр Михайловича, **Синицин** Василий Ивановича, **Явлинский** Натан Ароновича га — юқори температурали плазма ҳосил қилиш мақсадида газдаги зўр импульс разрядларга таалуқли 1956-1957 йилларда эълон қилинган тадқиқотлар учун.

2. Академик **Боголюбов** Николай Николаевича — майдоннинг квант назариясида ва статистик физикада, жумладан, ўта оқувчанлик ва ўта ўтказувчанлик назариясини асослашга олиб келган янги методни ишлаб чиққанлиги учун.

3. Горькийдаги Н. И. Лобачевский номли давлат университетининг профессори **Разуваев** Григорий Алексеевича — эритмалардаги озод радикаллар химиясига доир 1949—1957 йилларда эълон қилинган тадқиқотлар учун.

4. СССР Фанлар академияси химия физикаси институтининг лаборатория мудири профессор **Эмануэль** Николай Марковича — занжирсимон реакцияларнинг ҳоссалари ва хусусиятлари соҳасида 1950—1957 йилларда эълон қилинган тадқиқотлар учун.

5. Академик **Бетехтин** Анатолий Георгиевича, академик (марҳум) **Заварицкий** Александр Николаевича, академик **Коржинский** Дмитрий Сергеевича, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси **Николаев** Виктор Арсаньевича — 1955 йилда эълон қилинган «Магматогенли руда конлари тўғрисидаги таълимотнинг асосий проблемалари» деган монографияда баён этилган тадқиқотлар учун.

6. А. И. Воейков номидаги Бош геофизика обсерваториясининг директори профессор **Будико** Михаил Ивановича — 1955-1956 йилларда эълон қилинган «Ер сатҳининг иссиқлик баланси» ва «Иссиқлик балансининг атласи» деган илмий асарлар учун.

7. Академик **Шатский** Николай Сергеевича — СССРнинг ҳамда қўшни мамлакатларнинг 1956 йилда эълон қилинган 1:5000000 масштабдаги тектоник харитасини тузишга илмий раҳбарлик қилганлиги учун.

8. Омсклаги С. М. Киров номли қишлоқ хўжалик институтининг профессори **Горшенин** Константин Павловича — 1955 йилда эълон қилинган «Сибирь жанубий қисмининг тупроқлари» деган илмий асар учун.

9. Академик **Струмилин** Станислав Густавовича — 1954 йилда эълон қилинган «СССР қора металлургияси тарихи» 1 том деган илмий асар учун.

10. СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, Латвия ССР Фанлар академиясининг академиги **Эндзелин** Ян Марцевича — 1951 йилда эълон қилинган «Латиш тилининг грамматикаси» деган илмий асарда Болтиқ филологияси соҳасида баён қилинган тадқиқотлар учун.

II.

Техника соҳасидаги энг яхши асарлари учун қуйидагиларга 1958 йилги Ленин мукофотлари берилсин:

1. Илмий иш раҳбари **Кедринский** Василий Николаевича, металл қирқувчи станоклар тажриба илмий-текшириш институтининг ходимлари **Барсуков** Алексей Алексеевича, **Захарьев** Демьян Алексеевича, «Станкоконструкция» заводининг бош технологи **Загрязнин** Дмитрий Александровича — конуссимон тишли парракларни ясаб берувчи автоматлаштирилган ва иш унуми юксак бўлган станоклар гаммасининг конструкциясини ишлаб чиққанликлари ва саноатда ўзлаштирганликлари учун.

2. С. И. Вавилов номли Давлат оптик институти лабораториясининг бошлиги **Герасимов** Федор Максимовича, **Чехматаев** Дмитрий Павловича (марҳум) — прецизион дифферакцион катакларни ясаш методларини ишлаб чиққанликлари учун.

3. Академик **Костенко** Михаил Полиевктовича, Москва энергетика институтининг профессори **Веников** Валентин Андреевича — жуда катта электро системаларни, узоқ масофаларга электр юборадиган линияларни, электр установкаларни ва электр станцияларнинг аппаратларини амалий текширишни таъминлайдиган электродинамик моделлар яратиб берганликлари учун.

4. Куйбишевуголь трести Байдаевская шахтаси механика цехининг бошлиги **Гуменник** Яков Яковлевича, Ўша шахтанинг бошлиги **Ковальчук** Михаил Самсоновича — Ўрта қалинликдаги ётиқ қатламларни қазишга тайёрлаш ва кесиб олиш ишларини бажарадиган тезюрар ПКГ комбайнини яратганликлари учун.

5. Илмий иш раҳбари академик **Бардин** Иван Павловича, «Красное Сормово» заводининг собиқ директори **Смеляков** Николай Николаевича, Ўша заводнинг ходимлари **Командин** Николай Леонидовича, **Коротков** Константин Петровича, **Майоров** Николай Павловича, **Хрипков** Александр Васильевича, Новотульск металлургия заводининг директори **Грицун** Михаил Даниловича, Ўша заводнинг ходимлари **Гурский** Георгий Васильевича, **Казанский** Владимир Андреевича — пўлатни тўхтовсиз қуйиб бериб турилиган биринчи саноат установкаларини яратганликлари учун.

6. Илмий иш раҳбарлари РСФСР Қурилиш министрлиги Главнефтемонтаж бошлиги **Игнатченко** Евгений Афанасьевич ва Украина ССР Фанлар академиясининг Е. О. Патон номли электросварка институти лабораториясининг мудири **Раевский** Георгий Владимировичларга, СССР Госстрой бўлимининг бош технологи **Алексеев** Евгений Константиновича, Куйбишевдаги Металлоконструкция заводи конструкторлар бюросининг бошлиги **Дидновский** Всеволод Матвеевича, Бутуниттифоқ трубопровод қуриш илмий-текшириш институти бош инженерининг ўринбосари **Иванцов** Олег Максимовича, 65-сварка-монтаж трестининг бош инженери **Корниенко** Виктор Степановича, 7-монтаж-сварка трестининг бошқарувчиси **Ляхов** Владимир Степановича, Главнефтемонтажнинг бош технологи **Поповский** Богдан Васильевича — рулон қилиб ўраладиган жуда катта ясси полотнолардан нефть резервуарлари қуришнинг индустриал методини ишлаб чиққанликлари ва жорий қилганликлари учун.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари комитетида

Санъат соҳасида энг яхши муваффақиятлар учун Ленин мукофотлари бериш тўғрисида

Адабиёт ва санъат соҳасидаги Ленин мукофотлари комитети тасвирий санъат, музиканинг энг яхши асарлари учун ва театр санъати арбобларининг энг яхши муваффақиятлари учун қуйидагиларга 1958 йилги Ленин мукофотларини беришга қарор қилди:

1. **Аникушин** Михаил Константиновича — Ленинград шаҳридаги А. С. Пушкин ҳайкали учун.

2. Режиссер **Товстоногов** Георгий Александровича, артист **Толубеев** Юрий Владимировича — Ленинграддаги А. С. Пушкин номли давлат академик драма театрида қўйилган «Оптимистик трагедия» спектакли учун.

3. **Чабукиани** Вахтанг Михайловича — Тбилисидаги З. Палиашвили номли опера ва балет давлат театрида «Отелло» балетини саҳналаштиргани ҳамда Отелло ролини ижро қилганлиги учун.

4. **Шостакович** Дмитрий Дмитриевича — «1905 йил» деган ўнбиринчи симфонияси учун.

Унинг орзуси рўёбга чиқди

Улуғ Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизни индустриалаштириш масаласи биринчи даражали вазифа эканлигини кўрсатиб, деҳқон хўжаликларини кучли техника билан таъминлашга алоҳида эътибор берган эди. Ленин ўша вақтда деҳқонларимизга 100 минг трактор етказиб беришни орзу қилганди.

Лениннинг ораулари тўла рўёбга чиқди. Эндиликда партия Владимир Ильич белгилаб берган йўллан бизни бошлаб бориб, мамлакатимизни қудратли индустриалашган давлатга айлантирди. Колхоз ва совхозларимиз далаларида юз минглаб трактор, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб турибди. Колхоз тузуми ўзининг қудратли индустриал базасига эга. Ленин васиятлари ортиғи билан бажарилмоқда.

Коммунистик партия чор Россияси даврида қолоқ бўлиб келган ўлкаларда саноатни, даставвал оғир индустрияни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Буни лоақал республикамиз мисолида яққол кўриш мумкин. Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл, Ленинск ва бошқа социалистик шаҳарлар эндиликда индустриямизнинг марказлари бўлиб қолдилар. Республикамиз саноати фақат Ўзбекистон халқ хўжалигининг эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки бутун мамлакатимизга ҳам жуда кўп хил юқори унумли машина ва асбоб-ускуналар етказиб бермоқда.

Тошкентни олайлик. Совет ҳокимияти йилларида пойтахтимизда оғир саноат ва машинасозлик саноати вужудга келди ва ривожланди. Октябрь революциясига қадар бутун шаҳарда биргина ярим кустар, қолоқ темир йўл мастерскойи бор эди, холос. Эндиликда пойтахтимиздаги йирик машинасозлик заводлари социалистик халқ хўжалигимизга жуда кўп ва хилма-хил машиналар етказиб бермоқда. «Таштекстильмаш», «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш» ва бошқа йирик машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик ва енгил саноат машиналари ҳамда асбоб-ускуналари Иттифоқимизгагина эмас, балки чет эл мамлакатларида ҳам маълум ва машҳурдир. «Таштекстильмаш»да тайёрланаётган тўқимачилик саноати станоклари Хитой ва Чехословакия, Корея ва Вьетнам, Польша ва Руминия сингари демократик республикаларга, ҳатто Ҳиндистон ва Эронга ҳам юборилаётир.

Бизнинг корхонамиз ҳам республикамиздаги машинасозлик корхоналари орасида муносиб ўринни эгаллаб турибди. Барча корхоналардаги сингари заводимизда ҳам ишчи ва инженер-техник ходимларнинг аҳил оиласи вужудга келди. Улар халқ хўжалигимизни ривожлантиришда, партия ва ҳукуматимиз топшириқларини бажаришда зўр жонбозлик кўрсатаётирлар. Меҳнатсевар коллективимиз биринчи квартал планини муддатидан илгари ортиғи билан бажарди. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида планга қўшимча равишда бир неча юз минг сўмлик машиналар тайёрлаб берлик.

Заводимизда ишлаб чиқарилаётган компрессорлар Ватанимиз саноат корхоналарига, шунингдек Аргентинага, Чилига юборилаётир. Бу Совет Ўзбекистони саноатининг бенихоя тез юксалиб бораётганлигини кўрсатувчи далилдир.

Зўр ижодий ғайрат ва ташаббус эгаси бўлган халқимиз яратган ва яратаётган моддий бойликлар Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашини таъминламоқда, меҳнаткашлар фаровонлиги ошмоқда, коммунизм улуғ иши тантана қилмоқда. Булар ҳаммаси Ленин васиятлари амалга ошаётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Н. ҒОИБОВ,
Тошкент транспорт машинасозлик заводи 4-темирчилик цехининг кекса ишчиси,

У. УСМОНОВ,
қуюв цехининг бригада бошлиғи,

С. ГОРЕВАЯ,
инженер-конструктор.

Кураш ва галаба байроғи



Рассом Ф. П. Рашетниковнинг «Ленин «Искра»си учун» деган сурати.

Электр колхоз ишлаб чиқаришида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда

Колхозимиз асосан пахтачилик билан шуғулланади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари — чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, галлачилик ҳам ривожлантирилмоқда, биз давлатга йил сайин кўпроқ пилла етказиб бериш учун курашмоқдамиз.

Мана шу ишларни бошқаришда, бажаришда механизациядан, шунингдек электр қувватидан кенг фойдаланаётганимиз учун маҳсулотлар таннархи арзонга тушмоқда, ҳар бир иш ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб бажарилаётир.

Колхозимиз пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экиндиларидан мўл ҳосил етиштирилаётганлиги сабабли унинг пул даромади тобора кўпаймоқда, колхозчилар хонадони бойимоқда. Демак, бизнинг орзу-истакларимиз ошмоқда. Бундан 6-7 йил илгари қишлоғимизда кўзга кўринарли тузукроқ бино йўқ эди, кўпчилик колхозчилар эскича уйда яшарлар. Даромадимиз ошган сари бўлинмас фондаги пулимиз ва маблағимиз кўпая борди. Бир қанча жамоат биноларини қуришга кучимиз етадиган бўлиб қолди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти колхозчилар билан маслаҳатлашиб катта клуб қуришга қарор қилди. Икки йил бўладики, клуб колхозчиларга маданий хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда концертлар, кинофильмдар кўрсатиб турилади. Колхозчилар ишдан кейинги пайтларида шу жойда маданий дам оладилар. Китоб, журналлар ўқийдилар, шаҳмат-шашка ўйнайдилар. Вақти-вақти билан клубда лекция ва суҳбатлар уюштириб турилади. Илғор пахтакорлар, чорвадорлар ўз тажрибаларини ҳамқишлоқларига сўзлаб берадилар.

Колхозимизда меҳнатни енгиллаштириш, колхозчиларнинг хўжалик хизматларига ёрдам бериш мақсадида электр қуввати билан ишлайдиган станоклар, ёғоч тиладиган электр арралар, электр тегирмон, электр насос ўрнатилди. Электр қувватидан кенг фойдаланаётганимиз учун ҳар бир иш тез ва сифатли бажарилмоқда, шу билан бирга сарф-харажат анча кам бўлмоқда.

Илгари қишлоғимизда кўпинча ичимли сув етишмас эди. Колхоз бунга бартараф қилиш учун қишлоқда артезиан қудуғи қурди. Ҳозирги пайтда электр қуввати билан сув тортиладиган бу қудуқ орқали қишлоқни ичимли сув билан тўла таъминланмоқда.

Электр чорвачилик ишларида ҳам бизга катта ёрдам бермоқда. Сутчилик фермамизда моллар автоматик суғориш йўли билан сув ичади.

Колхоз МТСдан трактор сотиб олганлиги муносабати билан биз токарлик станоги ўрнатдик. Бу станокни ва бошқа ишлар электр ёрдамида ҳаракатга келтирилмоқда. Шу билан бирга чорвачилик фермаларидаги хашак қирқиш ва бошқа ишлар электр қувватида ишлайдиган машиналар ёрдамида бажарилаётир.

Колхоз экин майдонларини, айниқса чигит экиладиган ерларни кенгайтиришга йил сайин катта эътибор бериб келмоқда. Бўз ерларни суғоришда биз электр насосларидан кенг фойдаланмоқдамиз. Ҳозир шундай насослардан иккитаси ишлаб турибди. Биз шу ерлардан ҳам мўл ҳосил етиштириб социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун курашамиз.

Колхозимиз пахтакорлари барча куч ва моддий техника воситаларидан тўла ва унумли фойдаланиб кўклам дала ишларини намунали ўтказдилар. Етарли миқдорда ғўғ жамғарилди. Сифатли шудгор қилинган пахта майдонларининг ҳаммаси текисланиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Техникага ўзимиз хўжайинмиз. Универсал ва сеялкалар сифатли ремонтдан чиқаригганлиги, етарли кадрларга эга бўлганлигимиз сабабли экишни бошлаб юбордик. Бу соҳада тюкочи механизаторларимиз алоҳида ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Улар ўз ерларида тўғри квадратлар ҳосил қилиб, мўл ҳосилга пухта замин тайёрламоқдалар.

Бу йилги кўклам чигит экишни муваффақиятли ўтказиш учун бирмунча ноқулай келди. Шунга қарамай, колхозимиз аъзолари қулай фурсатдан унумли фойдаланиш ва чигитни тезроқ экиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Коммунистик партия — Ленин партияси ва жонажон Совет ҳукумати биз, колхозчи деҳқонлар тўғрисида ҳамма вақт ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шу меҳрибонлик туфайли қишлоғимиз йил сайин гуллаб-яшнамоқда, турмушимиз яхшиланмоқда. Биз бунинг учун партия ва ҳукуматимизга чин кўнгилдан ташаккур айтамиз.

Э. УСМОНОВ.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси.

В. И. ЛЕНИН ҲАҚИДА

Ленин фақат ўз халқининг бахт-саодати учунгина эмас, балки бутун инсониятнинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнаши учун жонбозлик билан курашган киши эди. У барча мамлакатлардаги реакциянинг қора кучларини ва оппортунизмнинг барча қуринишларини ҳар вақтдагидек маҳорат ва камоли ишонч билан фош қилар эди.

М. И. КАЛИНИН.

* * *

Интеллигент — Ленин ишчидек фикрлай оларди. Нотиқ — Ленин қуруқ ва дабдабали гапирмасди. Дунёни ларзага солган, мазкур дунёнинг ҳаёти ва нафасини ўзида мужассамлантирган ана шу киши онгли ҳаётининг сўнгги дамларигача хитой кулиси, негр ҳаммоли фикрини ифодалай олиш қобилияти билан ҳамманн ҳайратда қолдирганди...

Ленин — янги одамнинг мукаммал типи, у биз учун келгусининг тимсолидир. Владимир Ильич билан биринчи марта учрашганимдаёқ шунга амин бўлдим.

ПОЛЬ ВАЙЯН-КУТУРЬЕ.

Колхоз бўлдик—бахт топдик

Қўл бирлашса—кучга-куч қўшилади. Кўпчиликнинг ғайрати, иродаси, шижоатига тоғлар, дарёлар ҳам бардош беролмайди. Шунинг учун халқимиз: «Бирлашган ўзар...» дейди донолик билан. Коллектив хўжалик — бирликнинг ёрқин ва ҳаётий намунаси бўлиб қолди. Ўтмишда якка ҳол бўлган деҳқон ҳатто бир тегирмон сув сиғадиган ариқ қазиёлмас эди. У бир парча ерда қўш ҳўкиз ёнига кириб елкасида бўйинтуриқ — омоч судрарди. «Қўли қадоқ, елкаси ямоқ» деган сўз ўша вақтдан қолган-да.

Ҳозирги деҳқон эртаги куни учун ташвиш чекмайди. У биладики, сув танқис бўлиб қолганда ҳам, турмушдан хотиржам. Негаки, уни қувватлайдиган, дардига дармон бўладиган катта рўзғори, ишончли, меҳрибон оиласи бор. У кўпчилик қатори шу оиланинг бойлигини ошириш, қувватини мустаҳкамлаш, гуллатиб-яшнатиш учун доим харакатда. Колхоздаги бирор бинонинг битта-яримта гиши кўчса унинг жони ачийди, дарров ўнглаб қўяди. Колхоз экинзорига сув тошиб кетгундай бўлса унга кўксини қалқон қилади, колхозимиз бойлиги, демак менинг бойлигим нобуд бўлмасин дея ҳар қандай хавф-хатардан кўз қорачўғидай сақлаб қолади. Коллектив хўжаликнинг ҳар бир аъзоси — шу тузумнинг ветерани — бугунги кунда 80 баҳорни кўриб даври-даврониданн мамнун мўйсафид ҳам, борлик-йўқликни асло кўрмаган, ота-онасининг бағрида ўйнаб кулиб ўсаётган, ўқиётган ўсмир йигит-қиз ҳам: «Колхозимиз ёруқ юлдуздек ҳамма вақт чарақласин, атоқли бўлсин, омбори ғаллага, кассаси пулга тўлсин, камол топсин» дейди. Бутина эмас, кўнглидаги ният-орзусини амалга ошириш йўлида сув келса шимириб, ўт келса ўчириб меҳнат қилади, ҳормай-толмай курашади.

Бадавлат, маданий колхозларимиз, шаҳарга бергусиз ғўзал қишлоқларимиз бор. Қадимги бостирманамо чойхоналар ўрнида муҳташам, салобатли клублар қад кўтариб турибди. Тор, илон изли кўчалар ҳозирги қишлоқларимизда йўқ, кенг тўшпа-тўғри кўчаларда файзли ҳаёт жўш уради. Ўтмишда пала-партиш, пасти-баланд қилиб қурилган, тупроқ томли иморатлар музей экспонати бўлиб қолди, бугунги колхоз қишлоқларида ҳар ойнавон уйлар қурилганки, кўриб кўз қувнайди— ана коллектив хўжаликнинг кучи!

Тошкентнинг шимолида Дўрмон қишлоғи бор. Шу қишлоқдаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг номи узоқ Индонезияга, қуёш мамлакати Ҳиндистонга, азамат ўлка халқ Хитойига ва бошқа яна бир неча мамлакатларга, халқларга маълум. Жуда кўп чет эллик меҳмонлар ана шу катта ва бадавлат хўжаликнинг саҳий дастурхонида меҳмон бўлганлар. Дўстларимиз коллектив хўжаликнинг ўсиш, юксалиш йўлини кўриб қувонганлар. Бирдамлик, аҳиллик туфайли шундай улкан ютуқларга эришиш мумкиндигидан диллари қаноатланган.

Бугунги «Қизил Ўзбекистон» колхози жойлашган қишлоқнинг илгарити турқини кўз олдингизга келтириб кўринг, ҳозирги кўринишни ўртасида ер билан осмонча фарқ борлиги муболаға эмас. Тасвиримиз ожизлик қилади: кенг ва тўппа-тўғри кўчалар, икки томонга қурилган янги типдаги биноларр, энди колхозчининг томи тупроқдан эмас — тунука, шифер, черепица... Ҳонадон қўйли, сигирли.

Илгари кўча эшик остонасига тақа қоқилиб қўйиларди, демак, шу оила от орзусида. Энди кўча эшиклар икки тавақали қилиб қурилмоқда, негаки. машина бемалол кириб чиқадиган бўлсин. Колхоз кўчаларида сайр қилиб юрсангиз водопровод қранидан сув олаётган қизлар, аёллар, йигитларни кўрасиз. Буни колхознинг ўзи қурган. Колхозчилар уйининг томида икки хил антенна: бири радио учун, иккинчиси телевизор учун. Баланд столбалар бўйлаб тортилган симларда колхозчилар хонадонига Ильич нурлари оқиб бориб оилани мунаввар қилиб турибди. Колхозчи—турмушидан, замонадан чексиз миннатдор. Чунки унинг иши тайин, оиласи ҳузур-халоватда!

Клуб ва ҳаммом. сайрғоҳ боғ ва дам олиш уйи, магазинлар, омонат касса, амбулатория — колхозчилар хизматида. Яслида ва болалар боғчасида меҳр-муҳаббат билан тарбияланаётган болалар ўсиб-улғайиб шу қишлоқдаги тўлиқсиз ўрта, ўрта мактабларга узатилмоқда, олий ўқув юртлари сари қанот ёзмоқда. Бу ерликлар ўз ҳамқишлоқлари бўлган врачлар, педагоглар, инженерлар, агрономлар билан фахрланадилар.

Қишлоқдаги ҳар бир киши тонна-тонна пахтаси — уста пахтакорлари билан, серунум чорваси — меҳнатсевар чорвадорлари билан, ширин-шакар меваси, узуми — миришкор боғбонлари билан фахрланади. Шундай азаматлар бўлгани учун ич-ичидан қувонади. Мана шулар ернинг унумдорлигини ошириш, чорва моллари маҳсулдорлигини кўпайтириш, боғларни серунум қилиш учун бошланган курашда олдинги сафда бораётганлар. Улар бошқаларни ҳам илғорликка даъват қилмоқдалар. Шунинг учун колхоз кассаси миллион-миллион сўм пул билан бойимоқда, омборига юзлаб тонна дон қуйилмоқда, ўз кучи, қудрати, бойлигига ишонган шу колхоз МТСдан биринчи бўлиб трактор сотиб олди. Колхознинг механизация саройида бўлсангиз ўзингизни МТСдагидек ҳис қиласиз. Кучли ер ҳайдаш трактори, пахта териш машиналари, универсаллар, яна қанча-қанча тракторлар, хилма-хил машиналар энди колхознинг ўзиники!

Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдужамид Матқобулов трактор сотиб олинган куни ҳамқишлоқларига қараб бундай деган эди:

— МТСнинг кучи бизга ўтди, кучли бўлдик, энди қўлимиздан ҳар бир иш келаверали. Қўлни қадоқ қилган кетмонни чеккага суриб қўйиб тракторни ишлатамиз, шунда пахтамиз арзонроққа тушади, бойлигимиз кўпаяди.

Коллектив хўжаликнинг ўсиб улгаяётгани, бу тузум ҳаётий ва афзал эканлигини, қадимги камбағал деҳқон шу тузум туфайли қўй-сигирли, мол-дунёли, уй-жойли бўлиб қолганлигини, фаровон ҳаёт кечираётганлигини шу «Қизил Ўзбекистон» колхози мисолида ёрқин кўриш мумкин.

Мирзачўлнинг қадимий шўрхок ерларида балқиган, қишлоғи шаҳар тусига кириб бораётган колхозларимиз бор, боргина эмас, бундай хўжаликлар кўп. Гулистонда гуллаётган Ленин номли, Боёвут чўлларида боғу-бўстон яратган, «оқ олтин» кони очган «Коммунизм», Сирдарё районидаги Охунбобоев номли ва шулар сингари колхозлар хўжалиги бойимоқда, шу билан бирга халқ, она-Ватан бойлигини ошириш йўлида катта ишлар қилинмоқда.

Қатталан-кичик ўз колхозини севади шу коллектив хўжаликда муҳаббат билан хизмат қилади. Бойлик, ўйин-кулги, маданият, обрў, хурсандчиликнинг бари колхоз туфайли. Шунинг учун коллектив хўжаликнинг ҳар бир аъзоси дейди:

— Колхоз бўлдик — бахт топдик!

Бу улуғ Ленининнинг доҳиёна кооператив плани асосида амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсатининг зўр тантанасини, буюк ғалабасини ёрқин ифода қилади.

С. МАҲКАМОВ.

ДОҲИЙГА ТАШАККУР

(Ўзбек халқ қўшиқларидан)

Офтоб нури нур ўзи,
Силаб ўтар бошимдан,
Ленин йўли нурли йўл.
Айланай кўбшимдан.

Бирлаш ишчи-деҳқон деб,
Ленин отам ўргатди.
Зулмат чил-парчин бўлиб,
Мамлакатда тонг отди.

Ленин йўли йўл экан,
Бу йўл тўла нур экан.

Эркин, қувноқ яшашга,
Энг тўғри йўл шул экан.

Ленин: «Кўзинг оч!» — деди,
«Нодонликдан қоч!» деди.
Ҳақиқатни тушуниб,
«Илм нурини соч!» деди.

Бизга йўлни кенг қилди,
Хотин-қизни тенг қилди,

Ленининг ҳар бир сўзи,
Ишимизни ўнг қилди.

Кўрганмисиз Мирзачўл,
Ғўзалари очди гул.
Хушчаҳчаҳ давримизда,
Чўллар бўлди гулга мўл.

Пахтанинг гули яхши,
Гулидан ўзи яхши.
Турмуш тинч бўлсин деган,
Доҳининг сўзи яхши,

Рассом П. Ф. Судаковнинг «Ер ҳақида суҳбат» деган сурати.

Алимкент қишлоғи обод бўлмоқда

Бизнинг Алимкент қишлоғимиз йилдан-йилга ободонлашиб бормоқда, қишлоқ меҳнатқашларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳам тобора яхшиланмоқда. Ҳозир қишлоқдаги 3 та йириқ колхоз, «Ленинобод», Тельман номли, Ворошилов номли колхозлар ва пахта тозалаш заводи, ёғ заводи ҳузурида мунтазам равишда кино-установкалар ишлаб турибди. Шунингдек, бу колхозлар, заводлар, ўрта мактаб ва бошқа ташкилотлар ҳузурида мингдан ортиқ бадиий, сиёсий ва илмий адабиётлар ва жуда кўплаб газета-журналларга эга бўлган кутубхона ҳамда ўқишхоналар меҳнатқашларга маданий хизмат кўрсатмоқда.

Кейинги икки йил ичида «Ленинобод» колхозида ва пахта тозалаш заводида 500 кишига мўлжалланган 2 та клуб биноси қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу клубларда меҳнатқашлар кинофильм ва концертларни тамоша қилиб, гоят мамнун бўлмоқдалар. Тельман номли колхозда қурилаётган ёзлик клуб бу йил фойдаланишга топширилади.

Тельман номли ва Ворошилов номли колхозларнинг узоқ қир участкаларида яшайдиган пахтакорларга маданий хизматни яхшилаш мақсадида, бу участкаларга ўтган йили электр чироқлари ўрнатилди ва тўлиқ радиолаштиридик. Колхозларнинг ҳар бир участкаси ўзларининг «сельмаг»ига эга. Меҳнатқашлар майда-чуйда саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уй-рўзғор буюмлари ислаб қишлоқ марказига келиб овора бўлиб юрмайдилар.

Қишлоқ меҳнатқашларининг болалари 3 та ўрта мактабда, ўнга яқин тўлиқсиз ўрта ва бошлангич мактабда таълим-тарбия олмоқдалар. Бу мактабларда олий маълумотли ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ўнлаб мутахассис ўқитувчилар ишламоқдалар. Ўқиш ва ўқитиш сифати йилдан-йилга ошиб бораётир. Булар ичида қишлоқ Совети маданий-оқартув доимий комиссиясининг раиси Қаюмов директор бўлган Жданов номли 3-ўрта мактаб коллективи ўқиш-ўқитишнинг савиясини кўтаришда айниқса диққатга сазовор ишлар қилаётир.

Сўнгги 3-4 йил ичида қишлоқ ёшларидан 300 дан ортиқ киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки курсда ўқиб етуклик аттестати олдилар, Улардан баъзилари ҳозир олий ўқув юрти ва техникумларга ўқишга кирдилар ёки сиртдан ўқимоқдалар.

Қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Бултур 35 койкалик касалхона қурилиб ишга туширилди. Амбулатория қайта жиҳозланди ва хирург кабинети, рентген кабинети очилди. Касалхона биносини қуриб битиришда Ворошилов номли колхоз аъзолари, айниқса, ташаббус кўрсатиб ишладилар. Шунингдек, бу соҳада анча намунали ишлар қилаётган қишлоқ Советининг соғлиқни сақлаш доимий комиссияси ва унинг раиси Т. Файзиевнинг фаолиятини алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқ керак.

Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида ва сайловчилар накази билан пахта тозалаш заводи ва ёғ заводи ишчилари яшайдиган пунктларга водопровод қурилди. «Ленинобод» ва Тельман номли колхозларда артезиан қудуқлари қазилди, ҳозир бу колхозларнинг аъзолари тоза ичимлик сув билан таъминланди.

Қишлоғимиздаги мавжуд 3 та колхоз МТСдан ўзларига керакли техникани тўлиқ сотиб олдилар ва шу кунларда чигит экиш кампаниясини гоят уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Бу йил қишлоқ советимиз бўйича 2856 гектар ерга чигит экилади. Шундан 80 процентга яқин майдондаги ғўзалар механизация ёрдамида икки томонлама ишланади. Пахтакорлар механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини янада ошириш учун ғайрат билан курашмоқдалар.

Қишлоғимиз келажаги жуда порлоқ. Туябўғиз сув омбори қуриб битказилиши билан пахта майдонларимиз сувга янада сероб бўлади. Оҳангарон химкомбинатини қуриш ишлари бошланса, Алимкент қишлоғи шаҳар типидаги ишчилар поселкасига айлантирилади, қишлоқ қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгаради, турмушимиз янада фаровон бўлади.

Турон РАҲМОНОВ,

Оққўрғон районидаги Алимкент қишлоқ Советининг раиси.

ҲАЁТИМИЗНИНГ ПОРЛОҚ ҚУЁШИ

Асқад МУХТОР.

Сибирь ўрмонларида Ленин номини биринчи бор эшитган мардикор ўзбек 12-йиллардаёқ Қўнғирот чўлларигача етиб келган «Правда» саҳифасида Ульянов фамилиясини ўқиган қорақалпоқ бобомиз ёки вагон-ремонт устахонасида Ильич исмини эшитиб биринчи бор ҳаяжонланиб уйга қайттан ишчи отамиз қалбида нақалар қувонч сезгиклан? Ўшанда уларнинг кўзида биринчи бор бахт умиди учқунланганди. Бизлар-чи, ҳаётининг ҳар қадами, ҳар нафасида Ленин даҳосини сезиб турган бизнинг авлодимиз-чи? Бизлар ўз бахтимизни нима билан тенглашимиз мумкин?

Владимир Ильич бизнинг ўлкамизга келолган эмас. Аммо Ленин Университетининг студентлари ҳам, Ленин номидаги металлургия заводининг ишчилари ҳам, Ленин шаҳрининг гражданлари ҳам, умуман— ҳеч биримиз буни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз, улуғ Ленин номи маънавий ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, у азалдан шу ерликдай! «Ленин Мирзачўлда», «Ленин Памирда» деган поэтик асарлар ҳам чиқди, буларни ўқиганда китобхон «Ленин буерларда бўлмаган-ку?» дегани йўқ, балки «Тўғри! Ҳақиқат! Шундай!» деб қувонч билан хитоб қилди. У бизнинг пионерлик қасамимизда, азиз туйғуларимизда, кўшиқларимизда, ҳар кунимиз, ҳар ишимизда! Республикамизнинг ҳозирги қиёфасини кўз олдимизга келтирсак, унинг ўсишидаги ҳар босқичда, бу ўсишнинг ҳар бир соҳасида, кичигидан тортиб каттасигача — ҳаммасида Ленин қўли, Ленин ташаббуси, унинг даҳоси, идрок ва иродаси борлигини кўрамиз. Барини айтиш қийин, мен бир танишимнинг тақдирини, бир шаҳарнинг туғилишини, бир водининг пайдо бўлишинигина айтиб ўтайин.

Фаёзнинг онаси бешик узра алла айтиб ўтирганда босмачилар уни сочи билан бўғиб ўлдириб кетди. Фаёз ота-онасиз, бошпанасиз, искирт кийимига ўраниб кўприк тегида тунаб юрганида ҳали ўз тақдири ҳақида ўйлашга ақли етмасди. Лекин узоқда улуғ доҳи миллионлар қатори унинг ҳам тақдирини ўйлаб қўйганди.

Бир куни Любовь Васильевна деган ўқитувчи хотин Фаёзга раҳми келиб уйига етаклаб олиб борди. Ўйда гапдан-гап чиқиб, аниқландики, Фаёз билан тётя Люба қон-қариндош эканлар. Қандай денг? Любовь Васильевнанинг эри лаборант Фролов Ленин юборган олимлар билан бирга Тошкентга келаётганида поездга босмачилар ҳужум қилишади. Шунда Ленин поездини фрунзечи қисмлар қутқазиб қолишади. Фроловнинг ҳикоя қилишича, у ўша фрунзечилар орасида Фаёзнинг даласини ҳам кўрган экан, кўргангина эмас, оғир жангда қалин дўст, қон-қариндош бўлиб қолган экан.

Шу ҳикоядан кейин Фаёз Фролов нима деса шуни қиладиган бўлди.

— Рабфакка борасанми?

— Рабфак кимники? — деб сўради Фаёз.

Фролов тушунтирди: рабфак янги шаҳардаги Университетга қарашли, Университет бўлса, Ленин бойлиги билан яқинда очилган.

Танишим Фаёз ҳозир электростанцияларни автоматик бошқариш пультида ишлайди, кекса инженер ҳисобланади.

Фаёз рабфакда, Фроловнинг физика лабораториясида вольтметрни биринчи кўриб, унга ҳайиқибгина қўл узатган пайтлари улуғ доҳи керосин чироғ ёруғида гениал ГОЭЛРО ҳақида ҳаёл сурмоқда эди. «Буюк ҳаёлпараст» ҳароба, уруш, очлик йиллари ақл бовар қилмайдиган журъатли план тузди. Бу планда бизнинг Тошкент ёнидаги тошкин Чирчиқнинг порлоқ келажаги ҳам акс этган эди. Бу Чирчиқнингина эмас, машҳур Чирчиқ каскаллари ва Фарҳод ГЭС чароғон қилган республикамизнинг ҳам қудратли индустриал келажаги эди.

Геннад ГОЭЛРО асосида Чирчиқ бўйида биринчи гидроэлектростанция қурида бошлаганда ҳозирги гўзал ва улуғвор Чирчиқ шаҳри ўрнида тубсиз батқоқлар, ёввойи қамишзорлар гувиллаб ётар эди. Бу ёввойи табиатга ҳужум бошлаган ленинчи комсомолнинг биринчи авлоди совуқ куз кечаси қамишзор сохилла гулхан ёқиб порлоқ келажак ҳақида ўйга батқоқлар, ёввойи қамишзорлар гувиллаб ётар эди, Бу ёввойи табиатга ҳужум бошлаган ленинчи комсомолнинг биринчи авлоди совуқ куз кечаси қамишзор сохилла гулхан ёқиб порлоқ келажак ҳақида ўйга батқоқлар, ёввойи қамишзорлар гувиллаб ётар эди. Бу ёввойи табиатга ҳужум бошлаган ленинчи комсомолнинг биринчи авлоди совуқ куз кечаси қамишзор сохилла гулхан ёқиб порлоқ келажак ҳақида ўйга тўларкан, бу жойларда катта индустриал шаҳар пайдо бўлажагини ҳали ҳаёлига сиғдиролмасди. Чунки бунгача шаҳарлар юз йиллар давомида яратилар ва ўн йилда янги шаҳар яратиш мумкинлигини шу янги авлод исбот қилиши керак эди. Ҳаёлга сиғмаган гаплар амалга ошди. Ленинчилар иродаси билан Комсомольск, Кузнецклар қатори навқирон Чирчиқ шаҳри ҳам туғилиб кучга кирди. Бу — минг йиллардан бери зулмат қўйнида қолиб кетган кекса Шарқда биринчи чароғон шаҳар, электр шаҳри эди. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз электр чироғларини муҳаббат ва миннатдорлик билан «Ильич чироқлари» деб атайди.

Горкадаги Ленин кабинетида оддийгина ёғоч сандиқ бор. Буни 1921 йилда ўзбек деҳқонлари Ильичга совға қилиб олиб борган эдилар. Бу умрида биринчи марта буюк давлат арбоби билан юзма-юз ўтириб дўстона суҳбатлашган заҳматкаш пахтакорнинг содда, лекин чексиз бахтиёр қалбини ифодаловчи жуда камтарин бир совға эди. Аммо у ҳалқимиз вакилларининг улуғ Ленин билан дастлабки бевосита учрашувидан қолган муқаддас ёдгорликдир. Деҳқонларимиз Москвага бу совға билан бирга қадимий пахтакор ҳалқнинг миннатлор қалбини олиб борган эдилар. Чунки Ильич революциянинг дастлабки йилидаёқ бизнинг ўлкамиз ҳақида, оғтобда қовжираб ётган сувсиз чўлларимиз ҳақида, Мирзачўлда янги води пайдо қилиш, бу қадим ерларда каналлар, сунъий денгизлар яратиш ҳақида, жанубнинг жазирама қуёши остида минг йиллардан бери заҳмат билан «оқ олтин» етиштириб келган пахтакор деҳқоннинг порлоқ тақдири ҳақида чуқур ўйлаб, тарихий декретлар чиқартан эди. Лениннинг Мирзачўлни обод қилиш ҳақидаги декрети пахтакор ҳалқимизнинг улуғ ҳаётий манфаатларидан келиб чиққан доҳиёна бир гоя эди. «Суғориш ҳамма нарсадан заруур. Ўлкани ўзгартишда, уни қайта қуришда ҳамма нарсадан ҳам муҳимдир, у Ўтмишга хотима беради, социализмга ўтиш ишини мустаҳкамлайди». Бу гоя республикамизнинг келажакдаги тўзал қиёфасини белгилаб берди. Ўша оғир йилларда, ёш Совет республикаси олов ҳалқасида қолган шиддатли дамларда, Ильичнинг ҳар соат, ҳар минут вақти ҳалқлар тақдирини интервенция ва очликнинг даҳшатли хавфидан қутқазиш, ўқдори, нон, фронт участкалари ҳақидаги ўйлар билан банд бўлган бир пайтда, доҳи ҳаёлида бизнинг деҳқонимиз, бизнинг Мирзачўлимиз, келажак тақдиримиз... Ўшанда балки бизнинг ҳозирги шуҳрати кетган янги водиларимиз, қумушдай хирмонларимиз, зилол каналларимиз, ниҳоясиз мева боғларимиз ҳам унинг ҳаёлида гавдалангандир. Чиндан ҳам «энг инсоний инсон!». Биздан ҳам бахтиёр одам борми: мана шу улуғ тенгсиз партиямиз фаолиятида яшамоқда! У ҳаётимизнинг абадий порлоқ қуёши.

Партия ва Ленин
қондош-эгизак,
Она-тарих учун
қайбири қиймат?
Лениннинг англаймиз
партия дёсак,
Ленин деганимиз
партия демак!

Совет ҳукуматининг Ленин имзоси билан чиққан дастлабки декретларидан бирида тилга олинган қадимий Мирзачўлни ҳозир биз фахр билан «Иккинчи Фарғона» деб айтамиз. Кекса Фарҳод қоялари ёнида индустриямизнинг гигантлари — Фарҳод ГЭС ва металлургия заводи қад кўтарди. Оғир уруш йилларида фидокор ватанпарварларнинг қаҳрамонона меҳнати билан вужудга келган бу заводни биз улуғ Ленин номи билан атадик.

Бундан қирқ йиллар олдин Ильич билан кўришган муъталбар деҳқон оталаримизнинг бахтли ўғил ва неваралари ҳозир янги водийнинг донг таратган пахтакорларидир. Бу водийнинг Боёвут районидаги Карл Маркс номли ва «Коммунизм» колхози сингари унлаб йирик ва бадавлат коллектив рўзғорлари республикамизнинг фахридир. Қадим чўлни ўзлаштиришдаги илҳомбахш ижодий меҳнат Турсунбой Латипов, Ғанишер Юнусов, Лолахон Эрбўтаева каби ўнлаб Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларини етиштирди. Ҳозир бу янги водийнинг янги маркази пайдо бўлмоқда. Янгиерни — ҳали хариталардан тополмайсиз, лекин жаҳонинг бу энг навқирон шаҳари ҳозир халқимизнинг диққат марказида. Уни барча ёшлар, бутун халқ қурмоқда.

Халқимизнинг яратувчилик қудрати чексиз. Бу ҳаётбахш булоқни Ленин очгандир!

В. И. ЛЕНИН ҲАҚИДА

...Ленингача ҳеч ким инсонятни тарихий ривожланишнинг бундан муҳимроқ босқичидан олиб ўтмаганди. Энди ҳатто ленинизм душмани лагеридагилар ҳам бу улуғ давлат арбоби буюк шахсдир деган ҳақиқатга эътироз билдирмайдилар.

МАРСЕЛЬ КАШЕН.

* * *

Ленин қудратли ва ботир киши, у бутун вужуди билан ижодкор оммага муҳаббат қўйгани, унга ишонч билан тўлгани, ўз ҳаётини бағишлаган ишнинг улуғворлиги ва гўзаллигига, унинг тантанасига ишонч билан тўлгани учун ғалаба қилди. Мана шунинг учун ҳам у тарихий «мўъжиза» яратди — Ленин тог-тог ишларни қилди.

КЛАРА ЦЕТКИН.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Ремонт-техника станциялари ишлаб чиқарила бошлаган янги тракторларни, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларини колхозларда ва совхозларда кенг пропаганда қилсинлар. Шу мақсадда РТСларда мазкур машиналарнинг каталоглари ҳамда, уларнинг афзаллигини кўрсатиб берувчи плакатлар ва бошқа материаллар бўлиши керак. Янги машиналар ишлатилиб кўрсатилаётган хўжаликларга колхозларнинг раҳбарларини, колхозлар, РТСлар ва совхозларнинг инженерлари ва механизаторларини юбориб, шу машиналарнинг иши билан таништириб туриш одат қилинсин.

Халқ хўжалиги кенгашлари ҳамда тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари ишлаб чиқараётган корхоналарнинг раҳбарлари янги ишлаб чиқарила бошлаган тракторлар ҳамда қишлоқ хўжалик машиналарининг сифати ва мавжуд машиналарни такомиллаштириб, янгилаш масалаларига бағишлаб, маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари вакилларининг, колхоз ва совхоз механизаторларининг ва РТС ходимларининг иштироки билан систематик конференциялар ўтказиб турсинлар. Шу масалалар конференцияларда муҳокама қилинганлигининг натижаларига қараб, машиналарнинг конструкцияларини янада такомиллаштиришга доир конкрет тадбирлар амалга оширилсин.

СССР Госплани янги конструкциядаги тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларининг тажриба нусхаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш тартиби тўғрисидаги ҳамда уларни синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга уюштириш тартиби тўғрисидаги таклифларни СССР Министрлар Советининг Давлат илмий-техника комитети, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари билан бирликда икки ой муддат ичида СССР Министрлар Советига тақдим қилсин.

Янги машиналарни қанча миқдорда ишлаб чиқаришни ва шу машиналарни ишлаб чиқармоқ учун берилаётган заказларни СССР Госплани СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари билан бирликда белгилаши лозим. Шу машиналарнинг қиммати иттифоқчи республикаларнинг қишлоқ хўжалик министрликлари томонидан марказлаштирилган тартибда, шу министрликлар учун белгиланган капитал маблағлар планида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан тўланиши керак.

Машина-трактор паркини ремонт қилиш ишларини ўтказишда ремонт-техника станцияларига, совхозларга ва колхозларга ёрдамни кучайтириш мақсадида иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига иттифоқчи республикалар қишлоқ хўжалик министрликларининг қарамоғидаги ремонт заводларини мустаҳкамлаш ҳамда РТСларга, совхозларга ва колхозларга қарашли автомобилларни, автотрактор ва стационар двигателларни, станокларни, электр қучи билан ишлайдиган ускуналарни ва бошқа технология ускуналарини капитал ремонт қилиб беришни, шунингдек стандартсиз ремонт ускуналари ясаб беришни юклаш топширилсин.

СССР Госпланига, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қуйидаги таклифларни СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин:

а) тракторлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг запас қисмларини ва полшипникларини ҳамда гилдиракли тракторларнинг шиналарини 1958 йилда қўшимча равишда ишлаб чиқариш ва етказиб бериш тўғрисидаги таклифларни икки ҳафта муддат ичида тақдим этсинлар;

б) тракторлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг запас қисмлари билан халқ хўжалигини тўлиқ равишда қондиришни назарда тутиб ва машина-трактор паркининг ҳамда автомобиль паркининг ҳар йилги ўсишини ҳисобга олиб, шу запас қисмларни чиқаришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш қувватлари барпо қилиш тўғрисидаги таклифларни бир ой муддат ичида тақдим этсинлар.

Колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларини моддий-техника воситалари билан таъминлаш вазифаси ремонт-техника станцияларига юклатиб қўйилганлиги сабабли, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига машиналар ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига керакли молларни колхозларга, совхозларга ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига ва ташкилотларига сотиш учун ремонт-техника станцияларини шу машиналар ва моллар билан таъминлашни яхшилаш ва ихчамлаштириш масаласини кўриб чиқиш топширилсин.

Бу масалага доир таклифлар уч ой муддат ичида СССР Министрлар Советига тақдим этилсин.

Қишлоқ хўжалигини таъминлаш билан шуғулланиб келаётган Главсельснаб, Глававтотракторосбит, Главнефтьсбит ва шу каби ташкилотларнинг системаларига қарашли базалар ва бўлимларга, таъминлашнинг янги тартиби ўрнатилгунча, ремонт-техника станцияларига машиналарни ва қишлоқ хўжалигига керакли молларни колхозларга, совхозларга ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига ва ташкилотларига сотиш учун етказиб бериб туриш масъулияти юклатилсин.

Ремонт-техника станцияларининг хўжалик-молия фаолиятига раҳбарлик қилиш область ва ўлка қишлоқ хўжалик бошқармаларига, автоном республикаларнинг қишлоқ хўжалик министрликларига ва областларга бўлинмаган иттифоқчи республикаларнинг қишлоқ хўжалик министрликларига юклатилсин.

Минерал ўғитларни, машиналарни, ускуналарни ва материалларни ремонт-техника станциялари, колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари учун транзит тариқасида ташиб беришни кенг йўлга қўйиш, шунингдек улар учун керакли ускуналарни, запас қисмларни ва материалларни контейнерларда, майда партиялар ҳолида ва айрим вагонларда (йиғма қилиб) етказиб бериш Халқ хўжалик кенгашларига ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига юклатилсин.

Йўллар министрлигига келтирилган юкларни ташиш учун вагонлар ва контейнерлар бериб туриш вазифаси топширилсин.

Меҳнаткашлар депутатлари район Советлари ижроия комитетларининг қишлоқ хўжалик инспекциялари тўғрисида

Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил қилиш тадбирларини муваффақиятли амалга ошириш ишда маҳаллий партия ва совет органларининг роли ва масъулияти айниқса ортади, бу тадбирларда партиянинг совет демократиясининг янада ривожлантириш тўғрисидаги ҳамда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда республикалар ва маҳаллий органлар ролини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлиги намоён бўлмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, меҳнаткашлар депутатлари район Советлари ижроия комитетларининг структурасини ўзгартириб, уларнинг составида район қишлоқ хўжалик инспекциялари тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Белгиланиб қўйилсинки, район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи район ижроия комитети раисининг ўринбосари бўлади. Район қишлоқ хўжалик инспекцияси бошлиғи вазифасига қоида тариқасида, олий қишлоқ хўжалик маълумотига ва амалий иш тажрибасига эга бўлган киши тайинланади.

Район қишлоқ хўжалик инспекцияларига илғорлар тажрибасини ва фан муваффақиятларини пропаганда қилиш ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этиш, уруғчилик ва чорва моллар зотини яхшилаш ишларини ташкил этиш, ер тузиш ва ерларни давлат ҳисобига олиш ишларини ташкил этиш, ветеринария хизматини ташкил этиш, қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш тадбирларининг ўтказилишини назорат қилиб туриш, бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйишда ҳамда колхозларнинг йиллик ва квартал ҳисоботларини тузиб чиқишда колхозларга ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, район қишлоқ хўжалик инспекциялари тўғрисидаги Низомни тасдиқласинлар.

Ветеринария участкалари ва пунктлари район ветеринария шифохоналари қарамоғига топширилсин ва уларни пул билан таъминлаш маҳаллий бюджетга ўтказилсин.

Мазкур участкалар ва пунктларда ишловчи ходимларнинг олиб келган вазифа окладлари сақлансин.

Район ветеринария шифохоналарига колхозларга, совхозларга ҳамда ўзининг ветеринария пунктлари бўлмаган бошқа корхоналар ва ташкилотларга ветеринария хизмати кўрсатиш, шунингдек, аҳолининг шахсий чорва моллари ва паррандаларига ветеринария хизмати кўрсатиш вазифалари юклансин.

Қайта ташкил қилинаётган МТСларнинг контроль-уруғчилик ва агрохимия лабораториялари район қишлоқ хўжалик инспекциялари ихтиёрига топширилсин ва уларни пул билан таъминлаш маҳаллий бюджетга ўтказилсин, шунингдек, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сунъий қочириш станциялари ҳамда инкубатор-паррандачилик станциялари ҳам район қишлоқ хўжалик инспекциялари ихтиёрига топширилсин.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига СССР Министрлар Советининг меҳнат ва иш ҳақи масалалари билан шуғулланувчи Давлат комитети билан, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Молия министрлиги билан келишиб, район қишлоқ хўжалик инспекцияларининг штатларини ҳамда шу инспекциялар ходимларининг вазифа окладларини МТСлардаги тегишли ходимларнинг вазифа окладларига мувофиқлаштириб тасдиқлаш вазифаси топширилсин.

Меҳнаткашлар депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари ҳузурида қишлоқ хўжалигини перспектив ривожлантиришга ҳамда фан муваффақиятларини ва илғор тажрибаларни қишлоқ хўжалигида жорий қилишга доир таклифларни кўриб чиқадиган ва тайёрлайдиган ишлаб чиқариш-техника кенгашлари тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ишлаб чиқариш-техника кенгаши составига: район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи, колхозларнинг раислари ва мутахассислари, совхозлар, РТСлар ва районлардаги бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг директорлари ва мутахассислари, район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бош мутахассислари, район план комиссиясининг, Қишлоқ хўжалик банкининг ва Давлат банкининг вакиллари, илмий-текшириш муассасаларининг ва ўқув юртларининг илмий ходимлари ва мутахассислари, қишлоқ хўжалик илғорлари ва бошқа ходимлар киради.

Ишлаб чиқариш-техника кенгаши аъзоларининг шахсий состави ва кенгаш раиси район ижроия комитети томонидан тасдиқланади.

Белгиланиб қўйилсинки, колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари қишлоқ хўжалик ишларининг бажарилиши қандай бораётганлиги тўғрисида Марказий статистика бошқармасининг район инспекциясига ҳисобот бериб турадилар, бу инспекция район қишлоқ хўжалик инспекциясини якунловчи ҳисобот маълумотлари билан ўз вақтида таъминлаб турали.

Кадрлар тўғрисида

МТСларни қайта ташкил қилиш заҳтида машина-трактор станцияларининг тракторчилари ва механизатор кадрлари, қоида тариқасида, ўзлари ишлаб турган колхозларга ишлаш учун ўтишлари зарур, деб топилсин.

Колхозларга қайта ташкил қилинаётган МТСлардан қишлоқ хўжалик мутахассисларини ҳамда олий ўқув юртлари ва техникумларни тамомлаб чиққан ёш мутахассисларни доимий ишга қабул қилиб, улардан инженерлар, агрономлар, зоотехниклар ва колхозларнинг бошқа мутахассислари тариқасида, ишлаб чиқариш бригадаларининг бошлиқлари, чорвачилик фермаларининг мудирлари тариқасида фойдаланиш, шунингдек, уларни бошқа раҳбарлик вазифаларига кўтариш тавсия қилинсин.

Колхозларга қуйидагилар тавсия қилинсин:

Механизаторлар меҳнатига тўланадиган ҳақни ҳар қайси колхозда қабул қилинган умумий тартибга мувофиқ равишда ҳамда етиштирилган маҳсулотнинг миқдорига ва бажарилган ишларнинг сифатига қараб белгилаш керак, бироқ, механизаторларга тўланадиган ҳақ уларнинг машина-трактор станцияларида гарантияланган минимум бўйича иш нормаси юзасидан олиб келган ҳақларидан кам бўлмасин. Механизаторларнинг органик ўғитларни ишлатишдан, ерни оҳаклашдан ва тупроқнинг унумдорлигини оширишни таъминлайдиган бошқа тадбирларни қўлланишдан манфаатдор бўлишларини вужудга келтирмоқ учун мақсадга мувофиқ бўлган жойларда механизаторларга ҳайдаладиган ерларни узоқ муддат билан биркитиб қўйиш керак.

Мутахассисларга ойлик иш ҳақи МТСлардаги тегишли мутахассислар учун белгиланган вазифа окладидан кам бўлмайдиган қилиб тўлаб турилсин;

бошқа колхозчилар қаторида механизаторларга ҳам ҳар ойда аванс бериб турилсин, лекин берилаётган авансининг миқдори уларнинг МТСда ва колхозларда олиб келган гарантияланган минимумлардан кам бўлмасин.

МТС раҳбар ходимлари ва мутахассисларининг кўпчилиги 1958 йилнинг кўкламида колхозларга ишга юборилади аммо, 1957 йилги ишлаб чиқариш фаолиятининг натижалари бўйича даромадлар тақсимоти колхозларда тамом бўлган. Шу сабабли, МТСлардан колхозларга ишлаш учун ўтган мутахассисларга иш ҳақи 1958 йил 1 июлга қадар МТСларнинг ходимларига иш ҳақи тўлаш учун ажратилган 1958 йилги маблағлар ҳисобидан тўлаб турилсин.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари билан шуғулланувчи Давлат комитетига, СССР Молия министрлигига ва ВЦСПСга МТСларда ишлаётган ва иқтисодий заиф колхозларда ишлашга ўтаётган қишлоқ хўжалик мутахассисларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, бир ой муддат ичида бу таклифларни СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

МТСлар қайта ташкил қилинганлиги сабабли, МТСлардан колхозларга ўтган механизаторларга ва мутахассисларга отпуска ҳақларини тўлашнинг ҳамда давлат социал страхованиеси бўйича нафақалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлансин, шунингдек, уларнинг колхозда ишлаган вақтлари умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланадиган бўлсин.

Иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари мазкур мақсадлар учун қилинадиган харажатларни МТСларнинг 1958 йилги сметасида белгиланган отпускалар ва социал страхованиелар ажратмалари ҳисобидан тўласинлар.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, ВЦСПСга, СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари билан шуғулланувчи Давлат комитетига ҳамда СССР Молия министрлигига механизаторлар, мутахассислар ва колхозларнинг бошқа аъзоларига доир социал таъминот системаси тўғрисидаги ҳамда уларга отпускалар тўлаш тартиби тўғрисидаги таклифларни уч ой муддат ичида ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

Колхозларга механизаторлар ва мутахассислар учун нормал уй-жой маиший шароит яратиб бериш, уларни колхозчилар билан бир қаторда томорқа участкалари билан таъминлаш, шунингдек, уй-жой биноларини қуришда уларга ёрдам кўрсатиш тавсия қилинсин.

Қишлоқ хўжалик банки 1958-1960 йилларда колхозларга МТСлардан колхозларга ўтган механизаторлар ва мутахассисларга уй-жой бинолари қуриб бериш учун ҳар бир уй-жой биносига 7 минг сўмгача бўлган миқдорда, кредит олинганидан кейин иккинчи йиллан бошлаб 7 йил муддат ичида узиш шарти билан кредит бериб турсин.

Техника ҳавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясига доир МТСларда амалда бўлиб келган қоидалар колхозларга ҳам жорий қилинсин.

Касаба союзлар советларининг техника инспекцияларига колхозлардаги ишларнинг ҳавфсизлигини ва ишлаб чиқариш санитариясининг ҳолатини назорат қилиб туришни юклаш ВЦСПСга топширилсин.

Республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига ремонт-техника станцияларини доимий ишчи кадрлар билан бир ой муддат ичида таъминлаш вазифаси топширилсин.

РТСларнинг директорлари колхозларга узлуксиз хизмат кўрсатиб туришни, РТС устахонасининг узлуксиз ишлашини ва РТСда қолган тракторлар ҳамда қишлоқ хўжалик машиналаридан унумли фойдаланишни таъминлаш вазифаларини назарда тутиб, бутун йил давомида ишчиларни иш билан тўлиқ таъминлашни ҳисобга олиб, РТСни доимий ишчи кадрлари билан таъминлашлари керак.

МТСларнинг тегишли ходимлари учун белгиланган ҳақ тўлаш тартиби, барча енгилликлар ва имтиёзлар, шунингдек, олий ўқув юртларига ва техникумларга ўқишга юбориш шартлари РТСларнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари учун сақлаб қолинсин.

Тракторчилар ва бошқа механизаторлар ишлаган меҳнат кунларига гарантия минимумини пул ва натура билан ремонт-техника станциялари РТСлар ва колхозларнинг маблағлари ҳисобидан МТС механизаторлари учун белгиланган тартибда ва миқдорда тўлаб турадилар.

Колхозлар учун малакали механизатор кадрлар ва бошқа ишлаб чиқариш кадрлари тайёрлашни таъминлаш мақсадида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Меҳнат резервлари бош бошқармасига республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетлари билан келишиб, колхозларнинг йўлланмалари бўйича қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртларида, техника, ҳунар, қурилиш билим юртларида ва меҳнат резервлари системаси мактабларида тракторчилар, машинистлар, механиклар, электриклар, бинокорлар ва бошқа оммавий касб кадрлари тайёрлашни ташкил этиш вазифаси юклансин.

Илгари МТСлар учун тайёрланиб келган кадрларнинг касблари бўйича колхозлар учун механизатор кадрлар 1958-1959 йилларда амалдаги шартлар билан давлат ҳисобидан тайёрлансин.

СССР Госпланига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Олий таълим министрлигига қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларини ва техникумларини мамлакатда тўғри жойлаштиришни ва уларни ишлаб чиқаришга яқинлаштиришни назарда тутиб, олий ва ўрта қишлоқ хўжалик маълумотига эга бўлган мутахассисларни ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда ва ажратмасдан туриб тайёрлашни яхшилаш масаласини иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда кўриб чиқиш вазифаси топширилсин. Бу масалага доир таклифлар 1958 йил 1 июлгача СССР Министрлар Советига тақдим этилсин.

Колхоз ва РТСларни пул ҳамда кредит билан таъминлаш тўғрисида

МТСлар қайта ташкил қилинганлиги ҳамда колхозлар тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олаётганликлари сабабли, колхозларга қуйидагилар тавсия қилинсин:

а) қуйидагиларни назарда тутиб, қишлоқ хўжалик уставига зарур ўзгартишлар киритилсин:

Колхозларнинг ўз оборот маблағлари фонди якин йиллар ичида анча кўпайтирилиб, бу фонд нефть маҳсулотлари доимий запаслари, запас қисмлар, ремонт материаллари ва техникадан фойдаланишга керакли бошқа материалларнинг запасларини вужудга келтиришни, шунингдек келгуси йилларда олинадиган ҳосил юзасидан машина билан қилинадиган ишларнинг бажарилишига керакли харажатларни қоплашни ҳисобга олиб, нормал ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлайдиган миқдорга етказилсин;

колхозларнинг жамоат хўжаликларини янада ўстиришни, мактаблар, касалхоналар, интернатлар, йўллар қуришни, тракторлар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олишни таъминламоқ учун пул даромадларидан бўлинмас фондларга маблағ ажратиш кўпайтирилсин;

б) тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олишга, шунингдек, қишлоқ хўжалик техникасини капитал ремонт қилишга бўлинмас фондлардан зарур пул маблағларини ажратиш мақсадида колхознинг 1958 йилги кирим-чиқим сметасида ва ишлаб чиқариш планида кўзда тутилган капитал харажатлар структураси ўзгартирилсин.

РТС томонидан бажарилган ва пул билан тўланадиган қишлоқ хўжалик ишлари ва бошқа ишлар учун, шунингдек, ижарага олинган машиналардан фойдаланганлик учун ва колхозларга кўрсатилган техника хизмати учун РТС билан ҳисоб-китоб қилишга, нефть маҳсулотлари, машина-трактор паркини ремонт қилишга, керакли запас қисмлар ва материаллар сотиб олишга, боқиб семиртирмоқ учун ҳайвонлар ва паррандалар сотиб олишга ҳамда колхознинг ўз оборот маблағлари вужудга келтирилганига қадар, келгуси йил ҳосилини таъминламоқ учун мавсумий ишлаб чиқариш харажатларига керакли қисқа муддатли ссудаларни колхозларга (уларнинг ўз оборот маблағлари етишмай қолган тақдирда) харажатлар учун ҳозирги вақтда бериб турилган кредитларга қўшимча равишда бериб туриш СССР Давлат банкига рухсат этилсин.

Сотиб олинаётган янги машиналарнинг ҳақини батамом тўлаб битириш учун колхозларнинг маблағлари етишмай қолган тақдирда, қишлоқ хўжалик банки колхозларнинг илтимосларига биноан, шу мақсадлар учун уларга, колхознинг иқтисодий ҳолатига қараб 5 йил муддатгача кредит бериб туриши керак.

1958 йил 1 июлдан бошлаб колхозлар РТСлар ва материал етказиб берувчи бошқа ташкилотлар билан, СССР Давлат банки ва Қишлоқ хўжалик банки муассасалари билан ва бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш ишларини давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотлари учун белгиланган тартибда олиб боришлари зарур деб топилсин.

Белгиланиб қўйилсинки, ремонт-техника станцияларига нормал ишлаб чиқариш ва савдо фаолиятини таъминлашлари учун норматив эҳтиёжлар доирасида оборот маблағлари берилади:

а) колхозларга сотилиши лозим бўлган тракторлар, машиналар, запас қисмлари ва ускуналарни, алмаштириб туриладиган узелларни, агрегатлар, запас қисмлар ва ремонт учун керакли бошқа буюмларни олиш учун, шунингдек, ёнилғи ва мойлаш материалларини, ўғитлар, заҳарли химикатлар ва бошқа товарларни ҳамда ўзларининг ишлаб чиқаришлари учун, шунингдек колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотларини ҳам таъминлашлари учун керакли материалларни олишлари учун уларга оборот маблағлари берилади.

б) ёрдамчи ва кўмакчи хўжаликларда чала қолган ишлаб чиқаришни битириш ва ишлаб чиқариш запасларини вужудга келтириш учун уларга оборот маблағлари берилади.

Колхозлар тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини заказ қилганларида, РТСлар билан келишиб шу трактор ва машиналар қимматининг 10 процента миқдорида аванс беришлари мақсадга мувофиқ деб топилсин.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги РТСлар учун товар-материаллар запасларини нормалаштиришнинг асосий принципларини иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Молия министрлиги, СССР Госплани ва СССР Давлат банки билан келишиб, 1958 йил 1 июнга қадар белгилаб берсин.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига колхозларнинг тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари олиш учун берган заявкаларини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалигини шу йилнинг иккинчи ярмида тракторларга ва қишлоқ хўжалик машиналарига бўлган эҳтиёжини аниқлаб чиқиш ва шу эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни 1958 йил 1 июнга қадар СССР Госплани планига хабар қилиш топширилсин.

Белгиланиб қўйилсинки, РТСда ходимларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун корхона фонди ташкил этилади. Шу фондга планда кўрсатилган фойдадан 3 процент миқдорида ва пландан ташқари олинган фойдадан 30 процент миқдорида маблағ ажратилади, лекин ҳар бир РТСда шу фондга ажратилган маблағнинг миқдори шу станция ходимлари йиллик иш ҳақи фондининг 7 процентидан ошмаслиги керак.

Белгиланиб қўйилсинки, РТСнинг планлаштирилган фойдасидан ходимларнинг маданий-маиший шароитини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун корхона фондига маблағ ажратилганидан кейин ундан хўжалик корхоналари учун кўзда тутилган тартибда фойдаланилади ва, биринчи навбатда, РТСнинг ўз оборот маблағларини оширишга, капитал маблағларига ва станциянинг планда мўлжалланган бошқа харажатларига сарфланади, қолган қисми эса, лекин камида 10 проценти ажратмалар тариқасида иттифоқчи республикаларнинг бюджетларига берилади.

Колхозларда кунлаков қилиш, ерларни машиналар ёрдами билан чакалакзорлардан тозалаш, қўрик ерлар очиш ва бошқа ишларни бажариш учун МТСлар томонидан қилинган харажатларнинг давлат ҳисобига (батамом ёки қисман) ўтказиш тўғрисида СССР ҳукуматининг амалдаги қарорлари РТСларга жорий қилинсин.

Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига шу қарорнинг бажарилиши қандай бораётганлиги тўғрисида КПСС Марказий Комитетига ва СССР Министрлар Советига 1958 йил 15 июла ва 1959 йил 1 январда муфассал хабар қилиш вазифаси топширилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети колхоз тузумини янада ривожлантириш ва социалистик қишлоқ хўжалигини юксалтириш талабларининг амалга оширилиши жуда катта аҳамиятга эгадир, деб ҳисоблайдилар ва иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларини ва Министрлар Советларини, ўлка, область ва район партия комитетларини, автоном республикаларнинг Министрлар Советларини, ўлка, область ва район ижроия комитетларини, колхозлар, РТСлар, МТСлар ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларини шу тадбирларнинг муваффақиятли равишда амалга оширилишини ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг янада юксалтирилишини таъминлашга чақирадилар.

Область районларида чигит ва маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида 1958 йил 21 апрелгача бўлган МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Чигит экиш	Квадрат-уялаб экиш	Маккажўхори экиш	Квадрат-уялаб экиш
Бекобод	60,7	47,1	30,9	22,4
Боёвут	59,0	60,0	18,0	14,0
Гулистон	51,6	31,6	18,1	5,4
Верхне-волинск	42,6	25,5	15,2	2,0
Оққўрғон	42,1	21,7	18,5	—
Пискент	40,2	10,7	26,1	2,0
Бўка	37,1	13,6	60,0	—
Урта Чирчиқ	32,4	14,0	22,3	—
Октябрь	29,0	5,0	21,0	—
Чиноз	25,8	4,4	7,6	—
Янгийўл	25,7	3,7	57,2	6,3
Сирдарё	24,8	10,8	28,3	10,0
Мирзачўл	24,5	22,0	6,7	5,6
Ўртасарой	24,1	4,4	12,1	—
Калинин	23,3	—	26,4	—
Оржоникидзе	15,5	9,5	30,6	2,6
Юқори Чирчиқ	9,7	—	6,4	1,4
Қуйи Чирчиқ	8,2	7,9	37,9	1,3
Бўстонлиқ	4,4	—	14,2	—
Оҳангарон	2,8	—	3,2	3,0
Қорасув	—	—	2,6	—
Паркент	—	—	2,5	—
Тошкент	—	—	4,7	1,0

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 115,50. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 00971 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурхи» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-457.